

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

РАХМАТУЛЛАЕВА ДУРДОНА РАВШАНОВНА

**ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ ВА
МАРКЕТИНГИ**

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ 2020 й.

Д.Р.Рахматуллаева Таълим менежменти ва маркетинги. Ўқув қўлланма.
-Т.: 2020. 99-бет.

АННОТАЦИЯ

Мазкур ўқув қўлланма Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг 2019 йил 7 февралда тасдиқланган ўқув режасидаги “Таълим менежменти ва маркетинг” модули дастури асосида ишлаб чиқилган бўлиб, белгиланган мавзулар тингловчиларнинг менежмент ва маркетинг ҳамда меҳнат бозори тушунчалари билан боғлиқ бўлган жараёнларга илмий ёндашиш ва уларнинг илмий асослари ҳақида билим ва амалий кўникмалар билан қуроллантиришга мўлжалланган.

Мазкур “Таълим менежменти ва маркетинг” ўқув қўлланмасида таълим менежмент фани вазифалари ва унинг ўзига хос хусусиятлари, стратегик бошқарув ва режалаштириш, раҳбарларнинг бошқарув фаолияти самарадорлиги, касб-хунар таълими тизимида маркетинг хизмати кўрсатиши ташкил этиш ҳамда меҳнат бозори эҳтиёжини ўрганиш услублари, меҳнат бозорида тадқиқотлар каби мавзулар асосида кадрларни тайёрлашга оид билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга хизмат қиласида.

Тақризчилар

И.Очилов – ПИКҲТБПКҚТ ва УМО институти доценти, иқтисод фанлари номзоди;

И.Аскаров – Жizzах политехника институти доценти (в.б.), педагогика фанлари бўйича Фалсафа доктори, PhD.

Мазкур ўқув қўлланма Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Илмий-педагогик Кенгаши томонидан 2019 йил 31 майдаги 5-сонли баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Бугунги кунда таълим тизимини самарали бошқариш ва таълим сифатини ошириш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида касбларга ўргатиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу эса, малака оширишга келган раҳбар ходимлар таълим тизимини самарали бошқариш ва маркетингни ўрганиш ҳамда меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида қабул квотасини шакллантириш каби чуқурроқ назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишлари бозор иқтисодиёти шароитида жуда муҳим ҳисобланади. Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай фаолият менежмент ва маркетинг билан бевосита боғлиқ бўлиб, айниқса, касб-хунар таълими тизимида ишлайдиган раҳбар ходимларга катта масулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ4947 – сонли Фармонида ҳам ўрта маҳсус ва олий таълим муассасалари битиувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтоҷ шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш тадбирлари белгилаб берилган.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай фаолият менежмент ва маркетинг билан бевосита боғлиқ бўлиб, айниқса, касб-хунар таълими тизимида ишлайдиган раҳбар ходимларга катта масулият юклайди. Мазкур ўқув дастурида белгиланган мавзулар тингловчиларнинг менежмент ва маркетинг ҳамда меҳнат бозори тушунчалари билан боғлиқ бўлган жараёнларга илмий ёндашиш ва уларнинг илмий асослари ҳақида билим ва амалий кўникмалар билан куроллантиришга мўлжалланган.

1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- 1.1.Менежмент фанининг мазмун ва моҳияти
- 1.2.Бошқарув вазифалари ва функциялари
- 1.3.Бошқарув мактаблари
- 1.4.Таълим менежментининг вазифалари

Таянч сўзлар: менежмент, бошқарув, бошқариш, мененжер, вазифа, функция, режалаштириш, ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, бошқарув мактаблари, таълим менежменти, таълим менежменти хусусиятлари, тизимли бошқариш.

1.1.Менежмент фанининг мазмун ва моҳияти

Менежмент сўзи инглизча “**management**” сўзидан олинган бўлиб, у ўзбек тилида бошқаришни, ташкил этиш, раҳбарлик қилиш маъноларини англатади. Бозор иқтисодиётида корхоналарни бошқариш шакли ҳисобланади. Менежмент инсон ҳаётидаги иқтисодий-ижтимоий соҳаларни иш билармонлик асосида ташкил этиш ҳамда бошқаришни билдиради.

Бошқача сўз билан айтганда, **менежмент** – бу бошқарув, яъни ресурсларни, одамларни бошқариш, самарали фаолият олиб бориш ва фойда олишни билиш, уни кўпайтириш жараёнидир. Шу нуқтаи назардан бошқарув–бу ўзига хос юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов, шу танлов асосида қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат килишидир.

Инглиз тилининг фундаментал **Оксфорд** луғатида бу сўзниңг қўйидаги талқинларини учратиш мумкин: одамлар билан муомала қилиш усули, тарзи; ҳокимият ва бошқарув санъати; ишбилармонликнинг ўзига хос тури; маъмурий вазифа.

Менежмент фани бу – бошқарувчига танловни тўғри амалга оширишни ва оқил қарорни қабул қилишни ўргатувчи фандир. Унинг асосий мақсади бозор муносабатлари шароитида барча бўғинларда самарали ишлай оладиган юқори малакали бошқарувчиларни тайёрлашдан иборат.

Шундан келиб чиқиб, менежмент қўйидагиларни ўргатади: бошқариш назарияси ва амалиёти; бошқариш обьекти ва субъекти; бошқариш принципи ва усуллари; бошқариш маданияти; менежер ва унинг фазилатлари; менежер рейтинги; бошқаришда киришувчанлик ва қарор қабул қилиш; бошқариш функциялари; ходимларни ва ишлаб чиқаришни бошқариш; самарадорликни бошқариш; ўз-ўзини бошқариш ва бошқалар.

Бу фаннинг мазмуни бошқарув тизими ва бошқарув обьекти орасидаги ўзаро муносабат бўлиб, унинг асосий вазифаси ўқувчиларга бошқарувнинг замонавий усулларини, раҳбарлик санъати сирларини ўргатишдан иборат.

Иқтисодиётни бошқариш – бу муайян доирада ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва фирмаларни бошқариш тушуниладики, бунда меҳнат жамоаси, персонал (ходимлар) ва ишчиларни бошқариш ўзига хос муҳимликни билдиради. Иқтисодиётни бошқаришнинг ана шундай муҳим қисми менежмент соҳаси билан боғлиқ.

Менежмент – (*инглизча-бошқариш, бошқарув ҳокимияти ва санъати мудирлик, ташкил этиши*) сўзи бугунги кунда жуда оммалашиб кетди. Менежмент – замонавий ишлаб чиқаришни бошқариш (*режалаш, тартибга солиш, назорат қилиши*), шунингдек ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, уни ташкил этиш демакдир.


Менежмент – бу инсоннинг шундай билим доирасики, у мўлжалланган мақсадларга (*ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, фойданни ошириш*) эришиш учун ишлаб чиқаришни бошқариш усуллари, шакллари, воситалари мажмую.

Менежмент фирма ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш, меңнат жараёнини ташкил этиш, савдо-сотиқ ишларини юритиш, фирма келажагини белгилаб, унга етиб бориш чора-тадбирларини амалга ошириш, фирманинг иқтисодий потенциалини бошқариш кабиларни ўз ичига олади.

Менежмент энг аввало инсонларни бошқаради. Одамларни онгли меҳнатга қизиқтириш, тадбиркорликка, меҳнатга ижодий ёндошиш, ўзига ишониш, янги билим ва кўникмаларини эгаллаш, чорлаш, инсонларни бошқариш демакдир.

Ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятини тўлиқ тушуниб этиш, диалектик услугга асосланган билиш услублари **менежментнинг ўрганиш услубидир.**

Бугунги кунда менежмент ва бошқарув түғрисида қуидаги умум қабул қилингандай фикрлар мавжуд:



1.-чиズма. Менежмент ва бошқарув түғрисида умум қабул қилингандай фикрлар

Менежментда 3 та асосий вазифа ҳал этилади:

1. Корхона ишидаги турли бўлимлар ишини бир-бирига боғлаб, уларни уйғуллаштириш;
2. Корхонанинг бозор билан, ўз шериклари билан, хизмат кўрсатувчи фирмалар (банклар, сугурта компаниялари, ресурс етказиб берувчилар ва бошқалар) билан бўлган алоқаларини ташкил этиш;
3. Корхона ишчи ва хизматчиларининг меҳнат мотивациясини (ингл. мотиватион — рағбат), яъни уларни меҳнатга ундовчи кучни ҳаракатга солиш, ички низоларни ҳал этиб, жамоада соғлом ижтимоий руҳий муҳитни яратиш.

Демак, менежмент фани бошқариш тугрисидаги билимлар мажмуасидир.

Бошқарув-бу танлов, карор кабул килиш ва унинг бажарилишини назорат этиш жараёнидир.

Бошқариш - бу кўзланган мақсадга эришиш қобилияти ва маҳорати демакдир. Бошқаришнинг асосий мақсади жамиятнинг моддий - маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида ижтимоий муносабатларни ва ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

Бошқарув – бу тартибсиз оммани (оломонни) самарали мақсадга йўналтирилган ва унумдорли гурухга айлантирувчи маҳсус фаолият кўриниши.

Барча раҳбарлар маълум роль ва функцияларни бажаришса хам, иирик корхонадаги раҳбарларнинг қўплиги уларнинг хаммасининг фақат бир ишни бажаришини билдиrmайди. Хар бир раҳбарнинг иши чегараланган. Айрим раҳбарлар ўз вақтини ходимлар ишини мувофиқлаштиришга сарфлайди, бошқалари эса ўз навбатида бошқа раҳбарлар ишини мувофиқлаштиради. Шундай қилиб, биз бевосита ишловчилар ишини мувофиқлаштирувчи раҳбар даражасигача тушишимиз

мумкин. Бундай вертикал мөхнат тақсимоти бошқариш поғонасини ташқил этади.

Корхонада лавозим асосида бир раҳбар бошқасига нисбатан қандай даражада турғанлигини аниқлаш мумкин. Корхона қўлами (масштаби) – бу бошқарув поғонасини аниқловчи омиллардан фақат бири ҳисобланади. Лёкин оптималь натижаларга кам поғонали бошқарув орқали хам эришиш мумкин.

Бошқариш - бу ўз қўл остидаги ходимларни муваффақиятларга эришишга раҳбарлик қилиш экан, у аниқ мақсадга эришиш билан бевосита боғлиқ. Шундай қилиб, аниқ мақсад ва унга эришиш йўлидаги муваффақият бошқарув натижаларидан бири ҳисобланади. Муваффақият деганда жамият томонидан тан олинган энг яхши натижаларга эришиш тушунилади. Муваффақият қуйидаги элементларни қамраб олади:

1. Фаолият билан боғлиқ реал мақсадни аниқлаш;
2. Уни жамият томонидан тан олиниш;
3. Яхши натижага эришиш.

Бошқарув жараёни мақсадга эришиш йўлида одатда кўпгина қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммоларга дуч келиш мумкин.

1.2. Бошқарув вазифалари ва функциялари

"Функция" — бу лотинча сўз бўлиб, бирор кимса ёки нарсанинг иш, фаолият доираси, вазифаси деган маъноларни билдиради.

"Вазифа" — бу амалга оширилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган масала, ўрганилиши лозим бўлган, кўзда тутилган мақсад, ёки бирор-бир топшириқ, хизмат, юмуш, хизмат лавозими, мансаб, амал демакдир.

"Функция" тушунчаси "вазифа" тушунчасига нисбатан торроқ, маънога эга. Зеро, функция фақат ўз фаолият доирасидаги вазифаларни ўз ичига олади.

"Вазифа" эса ўз фаолият доирасидан ташқарида ҳам бўлиши мумкин.

Бошқарув функцияси деганда у ёки бу объектни бошқаришга оид аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир турдаги ишлар мажмуи тушунилади.

Демак, бошқарув муайян функциялар оркали амалга оширилади. Функцияларни аниқлаш, уларнинг моҳиятини очиш ва ўрганиш бошқарув жараёнини тўғри ташкил қилишнинг муҳим шартидир.

Фарб менежментининг бугунги замонавий назарияси бошқариш функцияларини таснифлашда, энг аввало унинг асосий (умумий) функцияларига устуворлик беради:

- режалаштириш;
- ташкил қилиш;
- тартибга солиш ва мувофиқлаштириш;
- назорат;
- рафбатлантириш(мотивлаштириш).

Бошқариш функциялари – қўп қиррали тушунчадир. Шу сабабли уларни муҳим белгилар бўйича туркумларга ажратиб ўрганиш зарурияти туғилади.

Бошқарув функцияларининг моҳияти, классификацияси ва мазмунини ўрганиш бошқарувнинг бутун жараёнини тартибга солиб туриш учун ўта муҳимдир, чунки юқорида таъкидлаганимиздек, бошқарув мазмуни жараён сифатида унинг функцияларида намоён бўлади.

Режалаштириши.

Бошқаришнинг асосий ва дастлабки функциясидир. Хар қандай бошқариш режа тузишдан бошланади.

Бу режада:

- бошқарув мақсадлари ва вазифалари, уларни реализация қилиш муддатлари белгиланади;
- вазифаларни амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилади;

- халқ ҳўжалиги бўғинларининг ўзаро алоқалари ўрнатилади;
- Режалаштиришнинг умумийлик хусусияти шундаки, бунда ҳар бир бошқарув ходими ўзининг шахсий ишини режа-лаштиради, ўз иш жойининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқади, режаларни қандай бажараётганини назорат қилишни уюштиради.

Режалаштириш – бу истиқболни ижодий белгилаш бўлиб, унда фаолият мақсадлари, уни амалга ошириш учун зарур бўлган воситалар аниқланади, маълум шароитларда энг самарали ҳисобланган услублар ишлаб чиқилади. Режалаштириш барча ташкилот структуралари стратегиясида ўз аксини топади ва корхонанинг бутун иши келажакни башорат этиш ва стратегик режалар асосида таъминланади.

Ташкил қилиши.

Бу функция бошқарув обьекти доирасида барча бошқарилувчи ва бошқарувчи жараёнларнинг уюшқоқлигини таъминлайди.

Шу нўқтаи назардан ташкил қилиш ички ва ташки шартшароитларнинг ўзгариб туришига қараб амалдаги тизим таркибини такомиллаштириш ёки янгисини тузиш демакдир.

Бу функция жорий ва стратегик режаларнинг ижросини таъминлаш бўйича биринчи қадамдир.

Ташкил этиш – бу техник, иқтисодий, ижтимоий ва шу каби бошқариш тизимларини ташкил этишни билдиради. Унинг вазифаси, аввало, энг мақбул ташкилий тузилма қуриш, моддий, меҳнат, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, бошқариш тизимлари орасидаги муносабатларни уюштиришdir.

Мотивалаштириши – ишловчиларни кенг демократик асосда фаоллаштириш, уларни қўзланган мақсадларга эришиш учун самарали меҳнат қилишга ундаш ва жалб қилиш мақсадларига эга. Бунинг учун ишловчиларни турли хил моддий ва маънавий рағбатлантиришлар жорий этилади, ижодий потенциални намоён этиш ва ишловчиларнинг савиясини ривожлантириш учун шароитлар яратилади.

Мувофиқлаштириши ва тартибга солиши.

Режалаштириш бошқаришнинг стратегияси ҳисобланса, мувофиқлаштириш бошқаришнинг тактик масалаларини ҳал қилиб беради. Бу функцияниң асосий вазифаси оқилона алоқалар ўрнатиш йўли билан бошқариладиган тизимнинг тури қисмлари ўртасида келишиб иш олиб боришни таъминлашдир.

Мувофиқлаштириш маблагларни тежаш мақсадида башқарувдаги параллелизм ва бир-бирини тақрорлашни бартараф қилиш имконини беради.

Бундан ташқари, у турли тармоқлар ўртасида ресурсларни тақсимлаш йўли билан нисбат ва мутаносиблигни, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги муносабатни ўрнатади.

Тартибга солиш мувофиқлаштиришнинг давоми бўлиб, у содир бўлиб турадиган оғишларни бартараф қилиш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишни мақсад қилиб қўяди. Унинг ёрдами билан вужудга келиши эҳтимол тутилган оғишларнинг олди олинади.

Мувофиқлаштириш – ҳаракатларнинг узлуксизлигини таъминловчи менежментнинг мухим функцияси. Мувофиқлаштиришнинг мақсади – ташкилотнинг ҳамма поғоналари ўртасида оптималь алоқаларни (коммуникация) ўрнатиш воситасида ҳамма бўлимларнинг мувофиқ ишлашини таъминлаш. Бунда интервью, ҳисботлар, мажлислар, компьютер алоқалари, радио ва телевидение воситалари кенг миқёсда фойдаланилади. Турли алоқа шакллари ёрдамида бўлинмалар ўртасида ҳамкорлик таъминланади, ресурсларни манёврлаш амалга оширилади, менежментнинг ҳамма функцияларининг, ҳамда раҳбарлар ҳаракатининг бирлиги ва мувофиқлиги эришилади.

Назорат. Бу функцияниң мақсади “тутиб олиш”, “айбини очиш”, “илинтириш” эмас, балки бошқарув обьектида содир бўлаётган жараёнларни ҳисобга олиш, текшириш, таҳлил қилиш ва маълум тартибда

шу объект фаолиятини ўз вақтида созлаб туришдир.

Назорат ўрнатилган меъёрий хужжатлардан, режалардан оғишларни, уларнинг жойи, вақти, сабаби ва хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Назорат функциясининг вазифаси иш натижаларини миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш ва ҳисобга олишдир. Унинг асосий дастаклари – кузатиш, ташкилот ҳамма соҳаларини текшириш, баҳолаш ва таҳлил қилиш. Назорат тескари алоқа элементи сифатида намоён бўлади. Назорат маълумотлари асосида қабул қилинган қарорларга, режаларга, норма ва нормативларга тузатишлар киритилади.

Таъсирчан назоратни ташкил қилиш ҳар бир раҳбарнинг функционал ишидир. Мунтазам назорат йўқ жойда юксак пировард натижаларга эришиб бўлмайди.

Раҳбар иши кўп қиррали бўлиб, у амалга ошириладиган фаолиятнинг қисқа муддатлилиги, турли-туманлилиги билан характерланади. Гестнинг тадқиқотларига мувофиқ бошқарув бўйича уста бир кунда 583 турли операцияларини бажаради.

Бошқарув функцияларини бажаришда ва жамоат ишлаб чиқаришида замонавий менежер:

- *раҳбар-бошқарувчи;*
- *раҳбар-дипломат;*
- *раҳбар-мураббий, тарбиячи;*
- *раҳбар-инсон;*
- *раҳбар-тадбиркор;*
- *раҳбар-инноватор сифатида майдонга чиқади.*

Бошқариш режалаштиришдан бошланиб, фаолиятни ташкил қилиш, уни рағбатлантириш билан давом эттирилиб, назорат билан тугайди. Бу ерда мувофиқлаштириш барча функциялар жараёнида ўз аксини топади.

Бу функциялар бошқарувнинг ҳамма босқичларига хос бўлган умумий хусусиятларга эга бўлиб, бошқарув аппаратининг барча раҳбарлари ва мутахассислари фаолиятида мавжуд бўлади. Уларни, шунингдек, бошқарувнинг ҳамма томонларини қамраган функциялар дейиш ҳам мумкин, чунки улар бошқарув тизимини ҳам бўйига (вертикалига), ҳам энига (горизонталига) қамраб олади.

Бошқариш функциясини таснифлашнинг иккинчи ёндошуvida бошқариш ишини аниқ ижрочилар бўйича тақсимлашга устуворлик берилади.

Бунда бир бутун аниқ функциялар тизими ажратилади. Масалан, замонавий ғарб фирмаларида ишлаб чиқаришга оид 20—25 тадан кам бўлмаган функциялар ажратилади. Булар қуйидагилардир:

- асосий ишлаб чиқаришни бошқариш;
- қўшимча ишлаб чиқаришни бошқариш;
- ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ишлаб чиқаришни бошқариш;
- маркетингни бошқариш;
- моливий бошқариш;
- сифатни бошқариш;
- меҳнатни бошқариш;
- ходимларни бошқариш; инновацияни бошқариш ва ҳаказо.

Қайд қилинган функциялар бир-бири билан боғлиқ ва маълум даражада тартибга солинган кўп унсурлардан, таркибий кисмлардан иборат бўлиб, улар яхлитликка эга. Шунинг учун ҳам бошқариш жараёнида уларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

1.3. Бошқарув мактаблари

Бошқариш назариясининг пайдо бўлиши қадим замонларга Ю.Цезар, А.Македонский, Туркистонда эса ўрта аср даврида Амир Темур

хукмронлиги вақтидан бошлаб шаклана бошлаган. Дастраски пайтларда менежерлар ҳарбий интизомни ўрнатиш мақсадида одамларни жазо билан кўрқитиши, ҳар қандай буйруқ ва фармонларга сўзсиз итоат этиш каби усулларни қўллаганлар. Бундай бошқарувга меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, улардан иложи борича кўпроқ қўшимча қиймат ундиришнинг ғоятда самарали усули, деб қаралган. Амир Темур даврида марказлашган, интизомли давлатнинг барпо этилганлигига ҳам Соҳибқироннинг ўз қўл остидагиларни «қўрқув билан умид ўртасида ушлаш» бўйича бошқаргани сабаб бўлган.

XVIII асрнинг охириларида Англияда бўлган саноат инқилоби бошқарувга бўлган қизиқиши янада кучайтиради натижада эса, бошқарув ходимларини тайёрлашга алоҳида эътибор берила бошланди. Аммо XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср чегарасида техника ва технологиянинг такомиллашуви, ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши бошқаришни мураккаблаштириб юборади ва уни маҳсус билимларини талаб этувчи, фаолиятнинг маҳсус соҳасига айлантириди. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун бошқарув соҳасидаги тажрибани умумлаштириш, ишлаб чиқариш ва ходимларни бошқаришнинг самарали усулларини излашга олиб келди. Натижада бошқарув тўғрисидаги илм, фан вужудга келди. Ўша даврдан бошлаб то бугунги кунга қадар бошқарув таълимотида қуидаги тўртта йўналиш (мактаб) эволюцион тарзда ривожланган ва ўзининг тегишли ҳиссасини қўшган.

Бошқариш таълимотидаги қуидаги йўналиш (мактаб)лар мавжуд бўлиб, булар:

1340-1400 йиллар Илмий менежмент мактаби (Амир Темур) - Мамлакатни идора қилиш ва салтанатни бошқариш услуби, стратегияси ва тактикасини жорий қилди. XIV-XV асрлар воқеалари ва ижтимоий ҳаётни ўзида акс эттирган қимматли асар Темур тузукларини яратди. Мазкур асарда баён этилган бошқариш йўлийўриклари, қонун-қоидалари, панднасиҳатлари **Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида**

хизмат қилмоқда; кучли давлатни барпо этиш, давлат ҳокимиятининг қайси ижтимоий тоифаларига таяниши, мансабдор шахсларни уларнинг сифатларига кўра танлаш ва вазифаларга тайинлаш борасида амалий жиҳатдан мукаммал бўлган таълимотни яратди; буюк давлат арбоби, дунёвий билимларнинг соҳиби бўлган Соҳибқирон марказлашган давлатни барпо этиши орқали ўрта асрларда буюк шахслар етишиб чиқиши учун моддий, ғоявий заминни яратди.

1885-1920 йиллар (Ф.Тейлор Г.Эмерсон ва бошқалар) – вазифани бажаришнинг мақбул усулларини топиш мақсадида илмий таҳлилни қўллаш; вазифани бажарувчи энг мақбул ходимни танлаш ва унинг ўқитилишини таъминлаш; Вазифани самарали бажарилишини таъминловчи ходимларни зарур ресурслар билан таъминлаш; Юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш мақсадида ходимларни мунтазам рағбатлантириб туриш.

Мумтоз ёки маъмурий менежмент 1920-1950 йиллар (А.Файол, М.Вебер ва бошқалар) – бошқарув принципларини ривожлантириш; бошқарув функцияларини баён этиш; ташкилотни бошқаришда системали ёндошувни асослаш.

“Инсон муносабатлар и” мактаби 1950 йиллар (Э.Мэйо, Р.Лайкерт ва бошқалар) – меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ўзаро муносабатлардан қониқиши ҳосил қилувчи усулларни қўллаш; компаниянинг сиёсати ва истиқболини ходимларнинг хулқ-авторига, асосланган ҳолда ташкил этиш.

Микдорий тизимли ёки замонавий менежмент 1950 йилдан ҳозиргача (Г.Саймон, П.Друкер, Э.Дейл ва бошқалар) – мураккаб бошқарув муаммоларини чуқурроқ тушуниш мақсадида турли моделларни ишлаб чиқиш ва қўллаш; мураккаб вазиятларнинг ечими бўйича бошқарув ходимларига ёрдам берувчи микдорий усулларни ишлаб чиқиш.

1.4. Таълим менежментининг вазифалари

Бозор иктисодиёти шароитида таълим тизимининг самарадорлиги унинг ракобатбардош бўлиши жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, улар ичida бошқарув функциялари алоҳида ахамият касб этади.

Таълим менежменти бу – илмий асосда ташкил этилган, ўзига хос поғонавийликка асосланган бошқарув бўлиб, раҳбар, педагогик жамоа, таълим олувчиликка асосида амалга ошириш мумкин: Интеграл модел, биринчи поғона педагогик жамоа фаолиятини бошқариш, иккинчи поғона – ўқувчилар фаолиятини бошқариш.

Таълим менежментининг асосий мақсади – таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим– тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этишда, олдига қўйган мақсадларга эришиш ва рақобатбардош битиравчилар тайёрлашда таълим – тарбия жараёни иштирокчилари бўлган раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочиларнинг муносабатлари ва фаолиятларини мувофиқлаштириш, назорат қилиш хамда самарали бошқаришни таъминлашдан иборат. Инсоният пайдо бўлгандан сўнг инсонлар у ёки бу шакл ва мазмунда фаолият кўрсатганлар. Аммо унда менежмент фани шаклланмаган эди. Улар хаётий эҳтиёжларини қондириш мақсадида меҳнат қилишган ва бола тарбияси билан шуғулланишган, шунда бошқаришга мухтожлик сезилган. Меҳнат давомидаги ўзаро муносабатлар бошқариш усулларини шаклланишига олиб келган.

Таълим менежментининг ўзига хос хусусиятлари

Таълимдаги бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилар ҳисобланади:

- ҳар бир шахснинг ижодий имкониятларини юзага чиқаришнинг зарурлиги;
- бошқарувнинг «уддабурон»лиги, яъни ўзгарувчан шароитларга ўз вақтида мослашувчанлиги;

- таълимдаги бошқариш аҳлоқий ўлчовга эга бўлиб, у «мақбуллик» сўзи билан аниқланади. Биз баркамол авлод ва мамлакатимиз келажаги манфаатларини кўзда тутиб ҳаракат қилганимиз учун, ҳар доим таълим раҳбарлари сифатида ўз мақсадларимизга эришишда ва фаолиятимизда аҳлоқий нуқтаи-назардан келиб чиқсан ҳолда ечимлар қабул қилишимиз зарур;
- таълимни бошқариш - ҳам санъат, ҳам фан, чунки, унда одамлар билан муносабат ва фанни билиш катта роль ўйнайди;
- таълим менежментида раҳбарлар ҳам, ижрочилар ҳам, мутахассис кадрлар ва ишлаб чиқариш маҳсулоти ҳам инсон ресурслари ҳисобланиши
- таълимни бошқаришда жамоатчиликнинг кенг иштироки;
- бошқариш самарадорлигига раҳбар ходимларнинг билим даражаси ва касбий тайёргарлигининг жиддий таъсир кўрсатиши

Айнан, профессионал таълими тўғрисида тўхталадиган бўлсак, **тизимли ёндашиш** энг мақбули ҳисобланади. Маълумки, тизим фақат бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар бўғинлари ўртасидаги тўғри ва тесқари алоқалар мавжуд бўлган ҳолдагина бошқарилиши сабабли, бошқариш обьектидан ахборотнинг узатилиши ва қайтиши муайян тизим фаолият кўрсатишининг асосий шарти бўлиб ҳисобланади.

Биринчи бўғин – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, касб-хунар таълими маркази, иккинчи бўғин- касб-хунар таълими ҳудудий (вилоят) бошқармалари, учинчи бўғин-таълим муассасалари (академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари).

Ривожланган ғарб мамлакатларида ўқув муассасалари ва бутун таълим тизимининг прогрессив ривожланишини аниқловчи энг мухим хусусиятлар қуйидагилар ҳисобланади:

➤ ўқув муассасаларига кенг ваколатлар ва эркинликлар берилиб, таълим тизимини бошқаришнинг марказлаштирилмаганлиги;

- ўкув муассасаларини қўшимча молиялаштириш ва жамоатчилик назоратини таъминлайдиган чуқур ва тармоқланган сармоя ва васийлик тизимининг мавжудлиги;
- коллежлар ва лицейлар ўқитувчилари ҳамда раҳбарларини рақобат тизимиға асосан танлаш;
- бозорнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига тез мослашувини, давлат ва жамият томонидан ўкув муассасасининг устивор ривожланишини, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва солиқлардан озод қилишни, ўкув муассасасининг хомийлари ва васийларини рағбатлантириш ва бошқаларни назарга тутувчи алохида муносабатнинг шаклланганлиги.

Ҳар қандай система, жумладан корхоналар ҳам икки система кўринишида намоён бўлади: бошқарувчи ва бошқарилувчи системалар.

Корхоналар бошқарувчи системага (бошқарув субъекти) ташкилот раҳбари бошчилигидаги бошқарувчилар, бошқарилувчи системаларга (бошқарув объекти) бўлимлар, бўлинмалар, кафедралар, ўқитувчиходимлар киради.

Вазирлик, ассоциация таркибига кирувчи корхоналар юқори бошқарув системаларига бўйсунадилар, яъни йирик бошқарув системаларининг ўзи турли майда системалардан иборат бўлади. Юқори ва қўйи бошқарувчи системалар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Бошқаришга тизимли ёндашув, бу энг аввало бошқарилаётган обьектни мураккаб ижтимоий-иктисодий, динамик система деб қараш, яъни бир неча элементларни ҳамоҳанг, ўзаро боғлиқ ишлашини тушуниш керак.

Бошқаришга тизимли ёндашув моҳияти қуидагилардан иборат:

- масаланинг аниқ қўйилиши ва мақсадли бошқаришни шакллантириш;
- қўйилган масаланинг ечилиши туфайли энг катта самарага эришиш;

- мақсадни миқдорий баҳолаш, ютуқларга эришиш услуглари ва воситалари.

Мақсад - ҳаракат - натижа - мақсад, узлуксиз бошқарув циклининг умумий кўринишдир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бундай тақсимлаш шартли. Таълим жараенида бир-биридан фарқланувчи турли бошқарув цикллари қўлланилади.

Таълим менежери меҳнати таълим муассасасида бир неча кўринишдаги масалани ечишга йўналтирилади. Булар қуидагилар:

- таълим жараёнини ташкил қилиш ва уни такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш;
- моддий-техника таъминоти, жихозлаш, ўқув воситалари билан таъминлаш ва улардан самарали фойдаланиш;
- педагог – ходимларни жой-жойига қўйиш, уларнинг салоҳиятини ошириш, малака оширишини ташкил қилиш;
- турли ташкилотлар билан ҳамкорлик муносабатларини олиб бориш;
- бошқарув тизимларини такомиллаштириш, хўжалик масаларини ҳал этиш ва бошқалар.

Менежерлар ҳаёт билан қадамба-қадам юришлари, улар нафақат тактик, балки узоқни кўра билувчи стратег ҳам бўлишлари даркор. Улар эртанги заминини бугун тайерлашлари, келажакни тасаввур эта билишлари, иқтисодий ижтимоий ва илмий-техника ривожланишидан орқада қолмаслиги керак. Буларнинг ҳаммаси техника, технология, иқтисод, социология, маркетинг ва менежмент, бизнес, тадбирколик, ишга ижодий ендашув соҳасида чуқур билим талаб этади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. «Менежмент» тушунчасини изоҳланг.
2. Менежмент моҳиятини тушунтиринг.
3. Менежмент қандай вазифаларни бажариши лозим?
4. Менежментнинг асосий мақсадлари нимадан иборат ва уларга қандай эришиш мумкин?
5. Менежментда умумий ва маҳсус мақсадлар характеристикасини беринг?
6. Бошқариш таълимотидаги йўналишларни айтиб беринг.
7. ”Илмий менежмент” мактабининг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат?
8. Таълим менежменти нима ва унинг қандай хусусиятлари мавжуд?

1- МАВЗУ: СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ

- 2.1. Таълимни бошқаришга тизимли ёндашув.
- 2.2. Стратегик бошқаруш ва режалаштириш
- 2.3. Ходимларни танлаш ва режалаштириш.
- 2.4. Бошқарув маданияти.

Таянч сўзлар: бошқариш, тизимли бошқариш, стратегия, стратегик режалаштириш, ходимларни танлаш, низо, ходимларни режалаштириш, бошқарув маданияти.

2.1. Таълимни бошқаришга тизимли ёндашув

Айнан касб-хунар таълими тўғрисида тўхталашибган бўлсақ, таълим муассасани бошқаришга **тизимли ёндашиш** энг мақбул ҳисобланаб, маълумки, тизим фақат бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар бўғинлари ўртасидаги тўғри ва тескари алоқалар мавжуд бўлган ҳолдагина бошқарилиши сабабли, бошқариш объектидан ахборотнинг узатилиши ва қайтиши муайян тизим фаолият қўрсатишининг асосий шарти бўлиб ҳисобланади.

Биринчи бўғин – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, касб-хунар таълими маркази, иккинчи бўғин- касб-хунар таълими ҳудудий (вилоят) бошқармалари, учинчи бўғин-таълим муассасалари (академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари).

Таълим тизимининг прогрессив ривожланишини аниқловчи энг мухим хусусиятлар

Ривожланган ғарб мамлакатларида ўқув муассасалари ва бутун таълим тизимининг прогрессив ривожланишини аниқловчи энг мухим

хусусиятлар қўйидагилар ҳисобланади:

- ўқув муассасаларига кенг ваколатлар ва эркинликлар берилиб, таълим тизимини бошқаришнинг марказлаштирилмаганлиги;
- ўқув муассасаларини қўшимча молиялаштириш ва жамоатчилик назоратини таъминлайдиган чуқур ва тармоқланган сармоя ва васийлик тизимининг мавжудлиги;
- коллежлар ва лицейлар ўқитувчилари ҳамда раҳбарларини рақобат тизимиға асосан танлаш;
- бозорнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига тез мослашувини, давлат ва жамият томонидан ўқув муассасасининг устивор ривожланишини, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва солиқлардан озод қилишни, ўқув муассасасининг хомийлари ва васийларини рағбатлантириш ва бошқаларни назарга тутувчи алохида муносабатнинг шаклланганлиги.

Ҳар қандай система, жумладан корхоналар ҳам икки система кўринишида намоён бўлади: бошқарувчи ва бошқарилувчи системалар.

Корхоналар бошқарувчи системага (бошқарув субъекти) ташкилот раҳбари бошчилигидаги бошқарувчилар, бошқарилувчи системаларга (бошқарув объекти) бўлимлар, бўлинмалар, кафедралар, ўқитувчиходимлар киради.

Вазирлик, ассоциация таркибига кирувчи корхоналар юқори бошқарув системаларига бўйсунадилар, яъни йирик бошқарув системаларининг ўзи турли майда системалардан иборат бўлади. Юқори ва қуи бошқарувчи системалар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Бошқаришга тизимли ёндашув, бу энг аввало бошқарилаётган объектни мураккаб ижтимоий-иктисодий, динамик система деб қараш, яъни бир неча элементларни ҳамоҳанг, ўзаро боғлиқ ишлишини тушуниш керак.

Бошқаришга тизимли ёндашув моҳияти қўйидагилардан иборат:

- масаланинг аниқ қўйилиши ва мақсадли бошқаришни шакллантириш;
- қўйилган масаланинг ечилиши туфайли энг катта самарага эришиш;
- мақсадни миқдорий баҳолаш, ютуқларга эришиш услублари ва воситалари.

2.2. Стратегик бошқарув ва режалаштириш

“Стратегия” сўзи “Strategos” грек сўзидан келиб чиқсан бўлиб, «генерал маҳорати» маъносини билдиради. «Стратегик» сўзининг маъноси у, жорий режалардан фарқли равишда стратегик режалар узоқ муддатга ишлаб чиқилиши ҳакида тушунча беради. Уларнинг давомийлик муддати бир қатор омилларга боғлик: ташкилот мақсади ва унинг технологияси, ички ва ташқи муҳитнинг ўзгарувчанлиги ва ҳоказолар. Стратегик режалаштиришнинг оддий мухлати 5 йил, аммо баъзи кичик фирмалар учун 2-3 йил, баъзи йириклар учун 10 йил ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.

Стратегик режа олий раҳбариятнинг ҳаракат ва қарорларининг мажмуаси бўлиб, бунда корхона стратегиясини ишлаб чиқаришга шундай йўналтирадики, унинг ҳозирги даврда ва асосан келажакда самарали тараққиёт топишига имкон яратади.

Стратегик режалаштириш мантиқий жиҳатдан қўйидаги босқичларга ажратилади:

1. Ташкилот бурчини (миссия) шакллантириш.
2. Стратегиялар портфелини шакллантириш (бош йўналишлар ва умумий мақсадларни танлаш).
3. Ташкилотнинг ички ва ташқи муҳитларини таҳлил қилиш.
4. Мукобил ўсишни танлаш.

Стратегик режалаштиришда энг биринчи кадам бу ташкилот

миссиясини танлашдан иборатдир.

Миссия деганда ташкилотнинг асосий ва умумий мақсади тушунилади. Бу ушбу ташкилотнинг учун бунёд этилганини ва истеъмолчилар манфаатлари нуқтаи-назаридан караганда, нима учун зарурлигини билдиради. Миссия ташкилот структурасини аниқлайди ва куйидагиларни ўз ичига олиши керак: ташкилотқандай фаолият турлари билан шугулланади; ташкилотнинг ташқи муҳитдаги ўрни; ташкилот маданияти.

Ташкилотнинг умумий мақсадлари миссиясидан келиб чиқкан ҳолда танланади: мақсадлар аниқ ва улчаб бўладиган бўлиши керак; аниқ даврга мўлжалланади; мақсадлар эришиладиган бўлиши керак. Мақсадлар бир- бирини қўллаб-қувватловчи бўлиши керак.

Корхоналар учун режалаштириш фаолиятининг юқори даражасини ифодалаб, режалаштиришнинг асосий қисми стратегик режалаштиришдан иборатдир.

Стратегик режалаштириш - бу таълим муассасани истикболда куриш, муассасанинг иқтисодиетда, мамлакат ижтимоий-иқтисодий хаётидаги урни, ролини билиш ва янги даражага эришиш йўллари, воситаларини ишлаб чиқишидир. Стратегик режалаштиришда аниқ хисобланган кўрсаткичлар булмайди, балки турли башоратлар асосида мўлжаллар, келгусига назар ташлашдан иборатдир

Стратегик режалаштириш – ташкилот раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган қарорлар ва ҳатти – ҳаракатлар мажмуидир, бунинг натижасида маҳсус стратегиялар ишлаб чиқилади, бу эса ташкилотни ўз мақсадига эришишига олиб келади.

Стратегик режалаштириш жараёни бошқариш қарорларини қабул қилишда асосий дастак ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси – бу ташкилотда керакли даражада, муҳлатда ўзгартиришлар ва янгиликларни жорий этишдан иборат.

Стратегик режалаштириш жараёнини олиб боришда асосий 4 та бошқариш фаолияти ажратилади:

1. Ресурсларни тақсимлаш.
2. Ташқи муҳиттга мослашиш.
3. Ички мувофиқлаштириш.
4. Ташқи стратегияларни ҳис этиш (менежернинг тафаккурини ривожлантириш).

Юқори даражадаги раҳбарнинг асосий вазифаси фақатгина стратегик режалаштириш жараёнини ишлаб чиқиш эмас, балки уни жорий этиш ва баҳолаш билан ҳам боғлик.

Таълим муассасаларида бошқариш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, узлуксиз таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда бошқарувчи раҳбар ҳам, мутахассислар ҳам, ижрочилар ва ишлаб чиқариш маҳсулоти ҳам инсон ресурслари ҳисобланади.

Таълим муассасаларида бошқариш муассасанинг маҳсус функционал хизматларини амалга оширишда ва кўзланган мақсадларга эришишда тегишли раҳбарларнинг муассаса фаолиятини такомиллаштириш, стратегик режалар асосида ривожлантириш, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларидан ва бошқа барча ходимларнинг қобилияtlари ва имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланиш вазифаларини бажаришга қаратилган турли фаолиятлар мажмуасидир.

Таълим муассасасини бошқариш тизими ўзига хос мураккаб тизим бўлиб, қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- таълим муассасаси олдига қўйилган мақсадларга эришишда ходимларнинг фаолликларини таъминлаш;
- барча фанлар бўйича мутахассислар билан таъминлаш;
- педагогик ходимларнинг қобилияtlари ва имкониятларидан самарали фойдаланиш;
- жамоа аъзолари манфаатларининг уйғунлашуви ва уларнинг

ўз меҳнатлари натижаларидан қониқиши ҳосил қилишларига эришиш;

- таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш;
- таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини амалга оширишда педагогик ходимлар ва ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишга зарурый шарт-шароитларни яратиш;
- таълим муассасасининг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришда турли таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ходимларнинг илмий-амалий ҳамкорлик ишларига ёрдам кўрсатиш;
- педагогик ходимларнинг илмий-тадқиқот ишларига шарт-шароит яратиб бериш ҳамда мазкур йўналишдаги фаолиятларини қўллаб-кувватлаш;
- илғор педагогик тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг фаолиятини оммалаштириш ва фан-техника ютуқларини ўз фаолиятига татбиқ этишга кўмаклашиш;
- мутахассисларнинг ўз устида мустақил ишлаши, билим, қўникум ва малакаларини орттириб бориши, ўзаро тажрибалар алмашиниши ҳамда ўз вақтида малака оширишлари учун имкониятлар яратиш ва ҳоказо.


Персонални бошқариш ўзаро боғлиқ бўлган бир неча фаолият жараёнлари, яъни бошқарув жараёни сифатида намоён бўлиб, бунда таълим муассасасининг муваффақияти **биргина раҳбарлар фаолиятига эмас**, балки ўқувчиларнинг ўқув фаолияти, ходимларнинг фаолликлари, ўз меҳнатларининг натижаларидан қониқиши ҳосил қилишлари ҳамда бутун бир таълим муассасаси фаолиятининг мувофиқлаштирилганлигига боғлиқ бўлади.

Бунда таълим-тарбия жараёни иштирокчилари, унинг ташкилотчилари ва бошқа ходимларнинг салоҳиятини, яъни таълим муассасасининг илмий- педагогик салоҳиятини ривожлантириш ва ундан

самарали фойдаланиш, уларнинг ижодий фаолиятларини ташкил этишга етарли шароитлар яратиб бериш йўналишида барча зарурий чоратадбирларни белгилаш ва амалга ошириш зарур бўлади.

2.4. Ходимларни танлаш ва режалаштириш.

Ходимларни танлаш ва режалаштириш – бу инсон омилига бўлган эҳтиёжни олдиндан аниқлаштириш. Бу жараён З босқичдан иборат бўлади:



Мавжуд ходимларни баҳолашда энг аввало уларнинг шаклланишига таъсир этувчи ташқи омилларга, хусусан меҳнат бозоридаги вазиятга эътиборни қаратмоқ лозим. Зеро, меҳнат бозоридаги ҳолат қўп жиҳатдан қуидагиларга боғлик:

- аҳоли сони, ёши, жинси салмоғидаги ўзгаришларга;
- тармоқ ва ҳудудий бандлиқдаги ўзгаришларга;
- қўшимча иш кучини ёллаш даражасига;
- ишлаб чиқариш ҳажми, таркиби ва ўсиш суръатига;
- меҳнат ресурсларини бошқариш усулига ва ҳ.к

Ички омилларни баҳолаш учун қуидаги маълумотларни таҳлил қилиш зарур:

- доимий банд бўлган ходимлар сони, исми-шарифи, яшаш жойи, ишга қабул қилинган вақти ва ҳ.к
- ходимларни таркиби (малакаси, мутахассислиги, ёш таркиби, миллий таркиби, ногиронлар салмоғи, ишчи ва хизматчилар ва ҳ.к);
- ходимларнинг қўнимсизлиги;

- иш кунининг давомлиги (тўлиқ ёки қисман бандлиги, неча ва қайси сменада ишлаши, таътилнинг давомийлиги ва х.к);
- иш ҳақи, унинг таркиби, қўшимча иш ҳақи, тариф ёки тарифдан юқори тўлов ва х.к;
- давлат ва хуқуқий ташкилотлар томонидан кўрсатилаган ижтимоий-маиший хизмат (ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган маблағ)лар.

Қайд қилинган ташқи ва ички омилларнинг таъсирида меҳнат бозоридаги вазият ўзгариб турди, шунга мос равишда меҳнат ресурсларига бўлган талаб ҳамда таклиф кўлами аниқланади.

Ходимга бўлган эҳтиёж қандай режалаштирилади?

Меҳнат ресурсларига бўлган талабни режалаштириш ходимларни режалаштириш жараёнининг бошланғич босқичи бўлиб, уни тузища қўйидаги маълумотлар асос вазифасини бажаради:

- мавжуд ва режалаштирилаётган иш жойлари;
- ташкилий ва техник тадбирлар режаси;
- штатлар рўйхати ва буш лавозимларни тўлдириш режаси.

Корхонанинг ходимга бўлган эҳтиёжини режалаштириш меҳнат бозорида иш кучига бўлган талаб таклифдан кўпроқ, яъни:

талаб > таклиф бўлса, у ҳолда корхонага иш кучининг манбаларидан қўшимча таклиф режалаштирилади. Бундай манба бўлиб меҳнат нафақаси олувчилар, талабалар ва ўқувчилар ҳисобланади. Ушбу вазиятда меҳнат биржаларининг фаолиятлари кучайтирилади ва тақомиллаштирилади, бошқа ҳудудлардан қўшимча ишчи кучининг оқиб келиши рағбатлантирилади, ҳар бир ишсизнинг шахсий ҳисоби юритилади ва х.к

Агар меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб таклифдан кам, яъни:

талааб < **таклиф** бўлса, у ҳолда қўшимча иш жойларини ташкил этиш, иш сменасини кўпайтириш, иш билан бандликнинг ноанъанавий йўлларидан фойдаланиш, ишсизларни бошқа худудларга жалб қилиш режалаштирилади.

Иш кучига бўлган талааб таклиф билан тенг, яъни:

талааб = **таклиф** ҳолатида корхонада: ишлаб чиқариш воситаларини замонавийлаштириш ва қайта тиклаш; иш вақтини йўқотиши камайтириш; ишчиларнинг малакасини ошириш; меҳнатни рағбатлантириш ва иш ҳақини самарали ташкил этиш каби тадбирлар режалаштирилади.

Демак, бошқарув вазифаларининг мураккаблашуви корхона раҳбарларига ходимларни тўғри танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларига жуда катта масъулият билан ёндошишни талааб қиласди.

Корхонани муваффақиятли бошқариш учун эса меҳнат жамоасида нормал руҳий шароит яратиш, хамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабати ўрнатиш, интизомни мустахкамлаш ва жамоа олдида жавобгарлик хиссини тарбиялаш зарур. Инсон шахсиятига унинг имкониятлари ва талабларига эътиборни кучайтириш хам муваффақиятли бошқарув горовидир.

Ходимлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларидан биттаси – бу ходимларни танлашdir. Ходимларни тўғри танлаш ва жой – жойига қўйишида зарур масъулият билан ёндошишмаса иш якунлари кутилган самара бермаслиги аниқ. Ходимлар танлаш услуги қанчалик пухта ишлаб чиқилган бўлса, жамоанинг меҳнат фаолиятига кутилган самарадорликка шунчалик тез эришиш амалиётда исбот этилган.

Ходимлар билан ишлаш тизимида «объект» ва «субъект» деган тушунчалар мавжуд бўлиб, объект-ходимлар билан ишлаш тизимининг асосий таркибий қисмлари: ходимларни танлаш, уларга баҳо бериш;

субъект – бу ходимлар вазифаларини рўёбга чиқарувчи идора ва ходимларнинг жамидир.

Ходимларни танлаш ва уларга адолатли баҳо бериш бошқаришнинг энг мураккаб қирраларидан ҳисобланади. Шу сабабли уларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишда зарур масъулият билан ёндошилмаса иш якунлари кутилган самарани бермаслиги аниқ. Ходимларни танлаш услуби қанчалик пухта ишлаб чиқилган бўлса, шунчалик корхонанинг меҳнат фаолиятида кутилмаган самарадорликка эришиш амалиётда исбот ланган.

Ходимларни танлашда раҳбар нималарга эътиборини қаратмоғи лозим?

Касб-хунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва мұхандис-педагогларнинг бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида **НИЗОМГА** асосан, Танлов таълим муассасаларига замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакали, чуқур касбий билимга, ижодий ва илмий потенциалга, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларга эга бўлган кадрларни саралаб олиш мақсадида ўтказилади

Касб-хунар колледжларининг:

директор ўринбосарлари лавозимларига ўтказилаётган танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр, дипломли мутахassisлар иштирок этишлари мумкин;

умумтаълим фанлар бўйича педагог бўш ўринларини эгаллаш учун танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик мутахassisлик бўйича магистр, дипломли мутахassis ва бакалаврлар иштирок этишлари мумкин;

махсус фан ва касбий таълим (амалиёт) педагоглари лавозимларига ўтказилаётган танловда таълим муассасаси йўналиши ва ихтисосликларига мос келадиган илмий даража (илмий унвон)ли ёки магистр, дипломли

мутахассис ва бакалаврлар иштирок этадилар.

Бўш (вакант) директор ўринбосарлари лавозимига танлов касбхунар таълим марказининг ҳудудий бошқармалари ёки бўйсинувида таълим муассасаси бўлган вазирлик ёки идора томонидан, педагог лавозимларига - таълим муассасалари раҳбарияти томонидан марказий ёки маҳаллий матбуот орқали 1 ой олдин эълон қилинади.

2.4.Бошқарув маданияти

Бошқарув маданиятида раҳбарлар қуидагиларга эътибор қаратишлари лозим: ҳар бир раҳбар таълим муассасасини ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш учун ижтимоий ҳамкорлик фаолиятини олиб боради ва кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари, ишлаб чиқариш вакиллари билан музокара ва сұхбатлар ўтказай. Музокаралар раҳбар кутадиган натижа бериши учун ўзаро алоқалар олиб бориш қоида ва нормаларини билиши, музокара ва сұхбатлар олиб бориш техника ва кўниумасига эга бўлиши керак.

Иш юзасидаги сұхбатнинг аниқ босқичларида асосан қуидагилар характерланади: ўзаро алоқаларнинг бошланиши ва таклифларнинг олдинга сурилиши; қизиқишлиарнинг кўзгатилиши ва эҳтиёжларининг ўрнатилиши; битим тузишга, олиб борилаётган алоқаларга ва ташкилотга ишончнинг шаклланилиши; битимнинг фойдасини намоён қилиш; интилишлиарни шакллантириш, уни муваффақиятли якунлаш ва битим хулосаси ҳақида қарор қабул қилиш.

Ўзаро алоқалар томонларни бир-бирига таништириш, ташрифномалар билан алмашиш ва стол ёнида ўтиргизишлиар (бунда меҳмон яхши ўриндиқларга ўтиргизилади) билан бошланади. Ундан сўнг психологик тўсиқни олиб ташлаш ва дҳистона муҳитни яратиш учун кириш қисми бошланади. Бу вақтда томонлар бир-бирларини ўрганадилар ва

баҳолайдилар. Сўнгра таклиф ва қизиқишларни аниқлашга ўтилади. Бунда ёзма ахборотнинг алмашуви содир бўлади. Асосий нарса – бу шерикнинг қизиқишини уйғотишдир. Бунинг учун муваффақиятларни кўрсатиш, бошқа муассасасалар тарафига яхши сўзларни айтиш кабилар қўлланилади. Мулоқот предмети намуналарини (китоб, кўргазма материали ва бошқалар) бепул фойдаланишга бериш билан ҳам самарали натижага эришиш мумкин.

Музокара ва суҳбат олиб бориш технологияси. Одатда, бир киши қабул қиласидиган қарорга бошқа кишининг рози бўлиши жуда қийин. Инсонлар уларга тегишли қарорларни қабул қилинишида иштирок этишни хоҳлайдилар, лекин уларга таклиф этиладиган қарорга шубҳа билан қарайдилар. Шунинг учун музокара жараёнида киритиладиган таклифга нисбатан инсонлар одатда фақат икки имкониятни кўрадилар: юмшоқ ёки қатъий бўлишни. Иккинчи стандарт стратегия музокарада ўртacha ёндашишни кўзда тутади: юмшоқлик ва қатъийлик ўртасида, ҳам мақсадга эришиш, ҳам одамлар билан муносабатни бузмасликка ҳаракат қилиш.

Музокаралар олиб боришининг учунчи йўли принципиал музокаралар услуби ҳисобланади. У музокара мазмун ва моҳиятини қатъий кўриб чиқишига, лекин музокара иштирокчилари ўртасидаги муносабатларда юмшоқ ёндашишни кўзда тутади. Бу услугадолатли бўлиб қолиш, натижага эришиш билан биргаликда одоб чегарасида алданиб қолмаслик имкониятларини беради.

Ушбу ҳатти-ҳаракатлар музокара иштирокчиларининг мос равища уч ёндашишини келтириб чиқаради:

1. Биринчи ёндашиш томонларнинг қарама-қаршилигига асосланади. Ҳар бир томон ўз позицияларини сақлаб қолиш фикри билан музокарада қатнашади. Унинг асосий принципи “ким-кимни” ёки “арқон тортиш”. Келишувгв келинган тақдирда ҳам бир томоннинг “ютуғи” бошқа томонда “қасд олиш” туйғусини туғдиради.

2. Иккинчи ёндашиш биринчининг тескариси бўлиб, томонлар

дўстона позицияни эгаллашади. Кучсизроқ томон ҳамкор томонидан “дўстона” муносабатни кутиб, ўзини хушомадона оҳангда тутади. Амалда иккинчи ёндашиш қаъ учрайди.

3. Учинчи ёндашиш томонлар томонидан ўзаро мақбул қарорни излаш зарурлигини англашга асосланган. Томонлар биргаликда ҳолатни таҳлил қилган ҳолда, ҳар иккала томон манфаатлариға жавоб берадиган ечимни топиш билан шугулланишади. Бунда умумий иш “ютуғи” натижаси кейинчалик шахсий манфаатларни амалга оширишга имкон беришини кўзлаб, томонларнинг шахсий манфаатлари онгли равиша умумий ишга бўйсиндирилади. Бундай ёндашиш “муаммони ҳамкорликда таҳлил қилиш” номини олган. Раҳбар мулоқат жараёнида қуидагиларга эътибор бериши лозим: кишилар билан муносабатларда уларнинг исми ва шарифларини ёдда сақлашга ҳаракат қилиши ва сұхбат давомида уни такрорлаб туриши керак. Бу сұхбатдошга ёқади; ўзаро муносабатларда табассум қилинг. Очик юз, соф қалб, ярим табассум атрофдагиларда сизга нисбатан ишонч ҳосил қилишига сабаб бўлади; “Олтин сўз” услуби. Мақтов (комплимент) - бу шахснинг ижобий, яхши сифатлари фазилатлари ҳақида, уларга озгина қўшиб (орттириб) гапиришдир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Таълим менежери меҳнати хусусиятлари нимадан иборат.
2. Таълим менежери вазифаларини келтиринг.
3. Стратегия ва стратегик режалаштириш нима?
4. Миссия нима ва у қачон ишлаб чиқилади?
5. Мұхокамаларни олиб бориш босқичларини кўрсатинг.
6. Ходимларга бўлга эҳтиёж қандай аниқланади?
7. Ходимларни танлаш ва режалаштиришда нималарга эътибор бериш лозим?

3-МАВЗУ: РАҲБАРЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ.

3.1.Раҳбарнинг иш услуби

3.2.Менежментда мотивлаштириш тушунчаси ва назарияси

3.3.Лидерлик ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Таянч сўзлар: услуб, бошқариш услуби, автократик раҳбар, демократик раҳбар, либерал раҳбар, мотив, мотивлаштириш, маслоу назарияси, лидерлик.

3.1.Раҳбарнинг иш услуби

Ҳар бир менежер ўзига хос бошқарув услугига эга. Бунда услуг – бу ишлаш, бошқаришдаги ўзига хос йўл, усул маъносини англатади. Шу нуқтаи назардан қўйидаги тушунчаларни ажрата билиш лозим:

- бошқарув услуби;
- иш услуби;
- раҳбарнинг иш услуби.

Бошқарув услуби – бу бошқарув жараёнида юзага чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш усуллари, йўллари мажмуидир.

Иш услуби – бу бошқарув функцияларини самарали бажариш мақсадида, бирор-бир органнинг ёки раҳбарнинг бўйсунувчиларга аниқ ва нисбатан барқарор таъсир кўрсатиш усули ва йўллари мажмуидир.

Масалан:

- мамлакат бошқарув органларининг иш услуби;
- вазирлик, қўмита, ҳокимларнинг иш услуби;
- суд, прокуратуранинг иш услуби;
- корхона, цехларнинг иш услуби;

—айрим раҳбарларнинг иш услуби ва ҳоказо. Бошқарувнинг турли поғона ва босқичларида турган бошқарув органлари ва раҳбарларнинг иш услублари ҳар хилдир. Шу нуқтаи назардан, иш услуби ғоят кўп қиррали тушунчадир.

Раҳбарнинг иш услуби – бу бошқарув жараёнида у ёки бу масалани ҳал қилишда унинг ўзига хос ёндошишидир. Раҳбар қарор қабул қилганда, унинг бажарилишини ташкил этганда ва қўл остидаги кишилар ишини назорат қилганда, ўз вазифаларига мувофиқ иш қўради. Бироқ, ҳар бир раҳбар бунда ўзига хос равишда, бошқарув жараёнида ўзи учун мос бўлган, ўз раҳбарлик услубини белгилайдиган усуллар билан ҳаракат қиласди. Мутлақо бир хил икки киши бўлмаганидек, раҳбарликда ҳам мутлақо бир хил услугуб йўқ.

Раҳбарлик услуби раҳбарларнинг ўз қўл остидагилари билан алоқасида, уларнинг ўзаро муносабатларида таркиб топади.

Бошқарув услуби, белгиси ва бўйсунувчиларга нисбатан муносабатига қараб, барча раҳбарларни қўйидаги уч турга ажратиш мумкин:

- Автократик раҳбар;
- Либерал раҳбар;
- Демократик раҳбар.

Автократик услуг – бунда раҳбар қўл остидагиларининг фаолияти учун жавобгарликни ўз зиммасига тўлиқ олади. Барча мавжуд ахборотларни ўзи орқали ўтказишга ҳаракат қиласди. Жамоа аъзоларини бевосита мулоқотда бўлишини чегаралаб қўяди. Танқидни кўтара олмайди, лекин ўзи танқид қилишни яхши қўради. Бундай раҳбар одатда, кўп гапиришни ёқтирмайди, лекин бўйсунувчилари билан муомалада бўлганда унинг раҳбарлик ғурури баландлиги сезилиб туради.

Демократик раҳбарлик услуби – бундай раҳбарлик турида раҳбар ўз фаолиятини ўзининг гуруҳидаги жамоа аъзоларига таянган ҳолда олиб

боради. Фаолият учун жавобгарлик бўйсунувчилар орасида тақсимланади. Жамоа аъзоларининг бир-бири билан бевосита муносабатларини рағбатлантириш билан биргаликда раҳбар бўйсунувчиларнинг билдирган фикрига қулоқ солади, улар билан маслаҳатлашади, ижобий томонларини инобатга олади, илғорларни мукофотлайди. Бундай услугуб бўйсунувчиларнинг шахсий ташаббусини, ижодий фаолиятини ривожлантиради ва жамоада ўртоқлик ва ишchan мухитни яратади. Бу фақат жамоанинг шароитига таъсир кўрсатибгина қолмай, балки унинг иш натижаларига ҳам бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Либерал раҳбарлик услуги. Бунда раҳбар фаоллик кўрсатмайди, у фақат ахборот манбаи бўлиб хизмат қиласи ёки уни ўзи йигади, ишлаб чиқариш ва хўжалик масалаларини муҳокама қилиш расмий ҳарактерга эга бўлади, ишда ўзини ўзи танқид қилиш йўқ бўлади. Бундай раҳбарлар ташқаридан кўрсатиладиган таъсирга мойиллиги билан кўзга ташланиб туради. Бунда у ёки бу масалаларни бажариш айрим бўйсунувчиларнинг хоҳишига боғлиқ бўлади.

Ушбу раҳбарларнинг ижобий ва салбий хислатлари, уларнинг иш услуглари тўғрисида 3.1.-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

3.1- жадвал.

| | Раҳбарлик услублари | Изоҳ |
|---|---------------------|--|
| 1 | Автократик услуг | <p>Бундай турдаги раҳбар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Буйруқ чиқариш, қарор қабул қилиш, ходимларга жазо бериш ёки рағбатлантиришда жамоа фикрини ҳисобга олмайди; • Ўзини жамоадан узоқда тутади, жамоа аъзоларни бевосита мулоқотда бўлишини чегаралаб қўяди; • Ўзининг ноўрин ҳаракатларининг танқид қилинишига чидай олмайди; • Ўзига бўйсунувчиларнинг ҳаракатларини кескин равишда танқид қилишни яхши кўради; • Муттасил буйруқ беришга ҳаммани ўз истакларига сўзсиз бўйсундиришга интилади; • Кўп гапиришни ёқтирмайди, лекин бўйсунувчилари |

| | | |
|---|-----------------------------|--|
| | | <p>билан муомалада бўлганда унинг раҳбарлик ғурури баландлиги, ўзини катта тутиши сезилиб туради;</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўзига бўйсунувчилари олдида қовоғи солинган кайфиятда бўлади. • Хуллас автократик раҳбар, ўзига бино қўйган, димоғдор, ўз қобилияти ва имкониятларига ортиқча ишонадиган, ҳукмини ўтказишга интиладиган кишиларда етишиб чиқади. |
| | | <ul style="list-style-type: none"> • Бундай раҳбар назоратдан четда қолса, ўша ерда дағаллик, такаббурлиқ, тазик ўтказиш, мажбур қилиш каби ўта салбий ҳолатлар авж уради. • Бироқ автократик бошқарув усулини хар жихатдан ёмон деб бўлмайди. Баъзи бир ҳолларда бўйсунувчиларнинг маданий даражаси, ахлоқи пастлиги сабабли, автократик услубни танлаб олиш ҳам иш бериб қолиши мумкин. |
| 2 | Либерал раҳбарлик услуби | <p>Бундай турдаги раҳбар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Иродасиз, ташаббусиз бўлади; • Ўз зиммасига масъулият олишни ёқтирамайди; • Ишни ўз ҳолига ташлаб қўяди; • Идорага нисбатан қатъий бўлишдан ҳайиқади; • Ўзини ҳаддан ташқари эҳтиёт қиласиди; • Бирон ходим билан ҳам алоқани бузишни истамайди; • Талабчан эмас, суст назорат қиласиди. |
| 3 | Демократик раҳбарлик услуби | <p>Бундай турдаги раҳбар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Бошқариш функцияларини жамоа фикри билан хисоблашиб амалга оширади; • Ишлаб чиқаришни бошқаришга ходимларни жалб қиласиди, уларнинг билдирган фикрига қулоқ солади, улар билан маслаҳатлашади, ижобий натижаларини инобатга олади; • Барча билан баробар ва самимий муносабатда бўлади, устунлигини билдирамайди; • Буйруқ бериш йўли билан эмас, балки ишонтириш услугида иш тутади; • Бўйсунувчиларнинг шахсий ташаббусини, ижодий фаолиятини ривожлантиради ва жамоада ўртоқлик ва ишчан муҳитни яратади. |

3.1- жадвал. Бошқарув усулибига қараб раҳбарнинг турларга ажратилиши.

Қайд этилган раҳбарлик услублари соғ ҳолда учрамайди. Ҳаётда ҳар бир раҳбарнинг иш услуби ҳар хил бўлади, лекин юқоридаги уч услугдан бири яққолроқ сезилиб туради. Турли хил ишлаб чиқариш вазиятларида ҳар хил ходимга нисбатан раҳбарликнинг ижобий томонларидан фойдаланиш керак. Раҳбар ҳақиқий аҳволга қараб иш тутиши ва бўйсунувчиларнинг ўзига хос шахсий хислатларини ҳисобга олиб муомала қилиши керак.

Ходимларни танлаш ва уларга адолатли баҳо бериш бошқаришнинг энг мураккаб қирраларидан ҳисобланади. Шу сабабли уларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишда зарур масъулият билан ёндошилмаса иш якунлари кутилган самарани бермаслиги аниқ. Ходимларни танлаш услуби қанчалик пухта ишлаб чиқилган бўлса, шунчалик корхонанинг меҳнат фаолиятида кутилмаган самарадорликка эришиш амалиётда исбот этилган.

3.2. Менежментда мотивлаштириш тушунчаси ва назарияси

“Мотивация” тушунчаси ўзини ва бошқаларни шахсий ёки ташкилот мақсадларига эришиш учун фаолият қилишга йўналтириш жараёни. Бу тушунча бевосита инсон омили билан чамбарчас боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан:

Мотивлаштириш - бу руҳий омил бўлиб, шахс фаоллигининг манбаи, сабаби, далили ва ҳар хил эҳтимолларидир. У ходимларни жонли меҳнат фаолиятига рағбатлантирувчи кучли воситадир. Бошқача қилиб айтганда мотивлаштириш - бу кишилар фаолиятини руҳий йўллар билан мақсадга мувофиқ йўналтиришдир. Эҳтиёж эса сабабларда намоён бўлади.

Эҳтиёж - одамларни ҳаракатга интилтирувчи, қўзғатувчи мотивдир. Эҳтиёж қатъян табақалашган бўлади, яъни, у кишиларнинг одати, диди, руҳиятига, ёши ва жинсига, оиласвий аҳволи, миллатига, меҳнат ҳамда яшаш шароитларига ҳам боғлиқ.

Масалан, таълим муассасаси ўқувчиси билан олимнинг, ёш йигит билан нафақадаги шахснинг, дехқон билан шахтёрнинг эҳтиёжи бир хил эмас. Ҳатто кишиларнинг жисмоний тузилиши ҳам эҳтиёжларда фарқларни ҳосил қиласди.

Инсон овқат ейиш, ухлаш, дам олиб кучини тиклаш, ўзини иссиқ-совуқдан асраш эҳтиёжларига эга. Мазкур эҳтиёжлар моддий кийим-кечак, озиқ-овқат, турагар-жой ва бошқалар шаклида ифода этилади.

Инсоннинг моддий эҳтиёжлари ҳам борки, буларга билим олиш, маданий савияни ошириш, малака, маҳоратга эга бўлиш ва соғлом ҳаёт кечириб, узок умр кўриш киради. Айтилган эҳтиёжлар моддий шаклга эга бўлмаган ҳар хил хизматлар кўрсатиш орқали қондирилади.

Ходимларнинг шахсий хусусиятларини ўрганиш орқали уларни қизиқтириш ва фаолиятини бошқариш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун рухиятшунослик бўйича билимлар раҳбарга зарурдир.

Демак, мотивация – бу ўзини ва бошқаларни ўзи ёки ташкилот мақсадлари сари йўналтириш жараёнидир. Ташкилот вазифаларини яхши бажариш учун одамларга таъсир этиш мумкин. Бошқаришда психологиянинг қўлланилиши натижасида, "инсоний муносабатлар" концепцияси вужудга келди.

Замонавий мотивация назариясини икки турга ажратиш мумкин, булар: мазмунли ва процессуал.

Мазмунли мотивация назарияси умуминсоний эҳтиёжларни туркумлашга ҳаракат қилди, аммо шуни айтиш керакки, барча эҳтиёжларни аниқ туркумлаш мумкин эмас. Ҳозирги кунда кўпгина психологлар икки хил эҳтиёжлар туркуми мавжудлигини тан олишган. Булар бирламчи ва иккиламчи эҳтиёжлар.

Бирламчи эҳтиёжлар ўз табиатига кўра физиологик ва туғма бўлади (озиқланишга, дам олишга, чанқогини қондиришга эҳтиёжлар), иккиламчи эҳтиёжлар табиатига кўра психологик бўлади (хурматга, муваффақиятга

бўлган эҳтиёжлар). Бирламчи эҳтиёжлар генетик ўтувчан бўлади, иккиламчи эҳтиёжлар йиллар давомида вужудга келади.

Эҳтиёжни кузатиш ва ўлчаш имконияти йўқ. Унинг мавжудлигини фақатгина инсон ҳатти-ҳаракатидан аниқлаш мумкин. Психологлар, инсонни кузатиб шуни аниқладиларки, эҳтиёжлар ҳатти-ҳаракатга мотив бўлиб хизмат қиласи. Инсон бирон-бир нарсага эҳтиёж сезса, у эҳтиёжни қондиришга интилади. Интилиш – бирорбир нарсага камчилик сезганда ҳатти-ҳаракат йўналишини аниқлаш ва мақсадга эришиш. Бу ерда мақсад - шу эҳтиёжни қондиришдаги асосий дастак ҳисобланади. Инсон бу мақсадга эришса, эҳтиёж қондирилади, қисман қондирилади ёки аксинча қондирилмаслиги ҳам мумкин.

Эҳтиёжни қондириш даражаси инсон келажагидаги ҳатти-ҳаракатини белгилайди. Кайси ҳатти-ҳаракат инсон эҳтиёжини қондирса, у ҳатти-ҳаракатни тақрорлайди, агар қайси ҳатти-ҳаракат инсон эҳтиёжини қондирмаса, у бу ҳатти-ҳаракатни тақрорламайди. Менежерлар шундай шароитни яратиш керакки, бунда ходим ташкилот мақсадлари сари интилиш натижасида ўз эҳтиёжини ҳам қондира олиши лозим.

Мукофотлар – бу одамзот учун қадрли бўлган нарсалар ҳисобланади. Ҳар бир одам учун қимматли нарса ҳар хил, демак мукофотга бўлган қараш ҳам ҳар хил. Раҳбар иккита асосий мукофот турлари билан ишлайди: Улар ички ва ташқи. Ички мукофот - бу ишнинг моҳиятидадир. Масалан, бир натижага эришиш, ўзини ҳурмат қилиш ҳиссиёти ва муваффақият завқи. Иш жараёнида вужудга келадиган муносабат ва дўстлик ҳам ички қониқишига мисол бўла олади. Ички қониқиши вужудга келтиришнинг энг оддий усули бу иш жойида керакли шароитни яратиш ва аниқ вазифани қўйиш.

Мазмунли мотивация назарияси биринчидан одамларнинг ишлашга ундейдиган эҳтиёжларни аниқлашга ҳаракат қиласи.

Мотивация назариясини яраттган А.Маслоу одамзотнинг эҳтиёжларини жуда ҳам турли хил деб таъкидлаган, аммо у эҳтиёжларни 5 та асосий категорияга ажратган:

1. Физиологик эҳтиёжлар – яшаш учун керак бўлган эҳтиёжлар.
2. Хавфсизликка ва эртанги қунга бўлган ишонч эҳтиёжи.
3. Ижтимоий эҳтиёж ёки бошқача қилиб айтганда уни кимларгадир ёки нималаргадир тегишилилк ҳисси.
4. Ҳурматга бўлган эҳтиёж.
5. Ўз-ўзини намоён қилиш эҳтиёжи.

Маслоу категориясига биноан, бу эҳтиёжлар аниқ кераклик структурага эга ва токи пастки эҳтиёжлар қондирилмаса, юқорида жойлашган эҳтиёжлар талаб этилмайди, яъни юқори даражадаги эҳтиёжлар одам ҳатти-харакатида асосий омил бўлиши учун, пастда жойлашган эҳтиёжлар қондирилган бўлиши керак. Турли даражадаги раҳбарлар шуни тушунишлари керакки, одамзотни мотивлаштиришда унинг эҳтиёжи асосий ўрин эгаллайди. Аниқ бир ходимни мотивлаштириш учун, раҳбар ходимни шундай йўналтириши керакки, у ташкилот мақсади сари интилсин ва ташкилот мақсадига эришгандан кейин раҳбар ходимнинг асосий эҳтиёжларини қондиришга имконият яратиши лозим.



Чизма 3.1. А.Маслоу бўйича эҳтиёжлар иерархияси

Процессуал назарияда мотивацияга бошқача нуқтаи-назардан қаралади. Бунда одамзот мақсадга эришишга қанча куч сарфлаши ва қандай қилиб ҳатти-харакат турини танлаши таҳлил қиласи. Процессуал назария эҳтиёжлар борлигини инкор этмайди, аммо уларнинг фикрича, одамзот ҳатти-харакатига фақат эҳтиёж таъсир этмайди. Процессуал назарияга мувофиқ одамзот ҳатти-харакатига, вазиятга қараб қабул қилиш ва кутиш функциялари сабаб бўлади ва кейинчалик ҳатти-харакат тури танланади.

Баъзан ходимлар қастдан меҳнат интизомини бузадилар. Бунга сабаб: баъзида моддий техник таъминотнинг ўз вақтида бўлмаслиги; бир нечта вазифани бир вақтда берилиши, аниқ бажариш вақти кўрсатилмаганлиги, мукофотлаш шаклининг номукаммаллиги, жтимоий ишлар билан юклanganлигидир. Шунинг учун раҳбар кишилар кимчиликларига сабр-тоқат билан ёндашиши керак.

3.2. Лидерлик ва унинг ўзига хос ҳусусиятлари

Хозирги замон фанида “раҳбар”, “лидер” ёки “раҳбарлик услуби” ва “лидерлик услуби” тушунчаларининг йўналишидаги муаммолар энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Буларнинг ичига қўпроқ ахамият касб этувчи Б.Д. Паръчин фикрига кўра лидер маълум бир гуруҳда шахслараро муносабатларни мувофиқлаштириб туради, у микромуҳитнинг элементи ҳисобланади, кутилмаганда вужудга келади ва унинг холатини барқарорлиги камроқ бўлади, ҳаракатланиши гуруҳнинг кайфиятига боғлиқ ва у қўпроқ гуруҳнинг фаолиятига алоқадор бўлган қарорлар қабул қиласи. Раҳбар эса ижтимоий ташкилот ҳисобланган гуруҳларда расмий муносабатларни мувофиқлаштиради ва микромуҳитнинг элементи ҳисобланади. Раҳбар холатининг барқарорлиги қўпроқ бўлиб, у маълум бир тизимда бир неча марта кўпроқ ваколатларга, қарор қабул қилиш, буйруқ бериш, топшириқлар бериш, талаб қилиш хукуқларига эга. Қарор

қабул қилиш жараёни бир мунча мураккаброқ бўлиб, кўпинча, турли хил вазиятларни қамраб олади ва бу вазиятлар фақатгина битта гуруҳга тегишли бўлмайди. раҳбар маълум бир кенгроқ ижтимоий тизимнинг кичик бир гуруҳида фаолият кўрсатса -да унинг ҳаракат доираси кенг ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича лидерлик жамоа фаолиятининг самарадорлигини оширишда раҳбарлик тушунчасини тўлдиради.

Раҳбарлик – одамларга мақсадлик таъсир ўтказишга қаратилган, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ бошқарувнинг таркибий қисмидир. Сайлаб қўйилган ёки тайинланган раҳбар қатор вазифаларни бажаради:

- жамоа фаолиятидаги мақсадини аниқлайди ва шакллантиради,
- шу фаолиятни режалаштиради,
- рағбатлантириш воситалари ва усулларини белгилайди,
- уни назорат қилишни амалга оширади

Раҳбарлик услугига мувофиқ шаклланадиган шахсий сифатлар ичига, энг аввало қадрятлар, ишонч ва эътиқотларни айтиб ўтиш зарур. Бу сифатлар раҳбарнинг роли хақидаги тасаввурларни шакллантиришга имкон беради. Айниқса раҳбарнинг қўл остидагилар хақидаги тасаввури, уларнинг қизиқиши ва интилишлари хақидаги фикри ахамиятли бўлиб, уларнинг хулқ атвори, одоби, хаёти ва келажаги олдида масъулдир. Шахснинг жамоага таъсири лидерлик, раҳбарлик каби тушунчалар орқали ифода қилиниши мумкин. Лекин, раҳбарлик ва лидерлик бир - биридан фарқ қиласи. энг асосий фарқи шундаки, раҳбар жамоада расмий муносабатларни, лидер эса жамоа ичидаги маълум бир гуруҳларда, маълум бир йўналишлар бўйича норасмий муносабатларни мувофиқлаштиради ва бошчилик қиласи. Лидер гурухнинг шундай аъзосики, у гўёки барча гурухий жараёнларнинг бошида туради ва хулқи билан ўзгаларга таъсир қила олади. Лидер маълум бир гуруҳда, маълум бир йўналишда шундай мавкега эга бўладики, у ўзидаги айрим ижобий ва кучли фазилатлари

туфайли турли муносабтларда обрў орттирган шахсдир.

У аслида раҳбарликка даво қилмайди, лекин юриш – туришлар кўпчиликка маълум бўлганлиги сабабли уни одамлар сайловларда танлашлари ёки раҳбарликка захира танлашда уни номзодини қўйишлари мумкин.

Бир жамоада расмий ва норасмий гуруҳлар мавжуд бўлиши мумкин, шунга кўра расмий сайланган ёки тайинланган раҳбарлар ва бир нечта лидерлар бўлади. лидерлар ўз ҳусусиятлари ва қобилияtlари, йўналишларига кўра бир-биридан фарқ қиласди. Жамоада меҳнат ва ўқиш фаолияти мақсабларини хаммадан кўра олдин тушунган – ишchan лидерлар, бошқачаси иш ўргатадиган, ишнинг қўзини биладиган – интелектуал лидер яна бири одамлар кайфиятини кўтарувчи, уларни руҳан қўллаб кувватловчи эмоционал лидер, яна бири спортга қизиқадиган, спортнинг маълум бир йўналиши бўйича лидер бўлиши мумкин. Лидерларнинг хаётий ва таъсир этиш даврлари вақтинчалик жараён бўлиб, вазият ўзгарганда фаолият жараёнининг моҳиятига кўра лидерлар бир-бирига жой бўшатадилар.

Шундай қилиб, лидерлик объектив гурухнинг аниқ бир мақсад ва вазифаларини амалга оширишдаги фаоллик натижасидир. жамоани умумий манфаатларни ифодаловчи мақсадини амалга оширишда барча шахсларда фаоллик ва лаёқат мавжуд бўлади, лекин улар нинг фаолияти самарали бошқарилмаса, жамоада терли хил норасмий гуруҳлар ва муассасанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи лидерлар хам вужудга келиши мумкин. Шунинг учун раҳбарлар ўз ҳодимларини фаолиятини доимий назорат қилиши, адолатли баҳолаш, ишларни ишларни хамкорликда ташкил эта олиши, муаммо ва зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиши, уларни самарали фаолият кўрсатишлари учун педагогик шароитларни яратиб беришлари зарур.

Раҳбарлик услублари ва унинг мазмун-моҳияти раҳбар ўзининг бошқарув фаолиятида афзал билган ва асосланган барча усуллар ва ҳаракатнинг тактика ва стратегияларидан ташкил топган тизимдир. Раҳбарлик услуби – бу раҳбарнинг ҳодимларга нисбатан таъсир кўрсатиш ва кўзланган мақсадга эришишида ҳодимлар билан бўлган ўзаро муносабатлардаги одатий ҳаракатлар бўлиб, қуидагиларга асосан аниқланади:

- қарорлар қабул қилиш жараёнида ҳодимларнинг иштирок этиш дажараси;

-ҳодимларнинг маълумотлар ва ахборотлар билан таъминланиши; - раҳбар томонидан қўлланилаётган услублари, яъни, у ёки бу масалани хал қилишда унинг ўзига хос ёндашиши.

Демак, етакчилик (лидерлик) – бу одамларни маълум тарзда ўзини тутишга мажбур этиб, уларнинг ҳати - ҳаракатига таъсир этишда раҳбар томонидан қўлланадиган воситадир. Ташкилот шароитида сардорликка нисбатан бир қанча нуқтаи-назар мавжуд. Улардан бири сардорлик услугубидир. Сардорлик услуби менежернинг дунёқарашини, ҳодимларга муносабатини, ўз ўзига баҳо беришини акс эттиради. Менежер қўллайдиган сардорлик услугубидан мақсадларга эришишда ишловчилар куч гайратини йўналтириш, низоли ҳолатларни ечиш катта боғлиқ.

Коллеж раҳбари педагогик жамоадаги норасмий етакчиларни ҳам билиши ва бу норасмий лидерлар билан алоҳида, ўзига хос шахслараро муносабат ўрнатиши муҳимдир. Жамоадаги лидерлар икки хилда бўлади: Ижобий лидерлар ва салбий лидерлар.

Салбий лидерлар: жамоанинг жипслигига путур етказади, улар кўпинча ҳамма ишдан (жумладан коллеж раҳбарларининг фаолиятидан ҳам) норози, ўз атрофига раҳбарлардан норозиларни тўплайди, педагогик жамоанинг ҳамкорлигига, бирлигига тўсқинлик қиласди, одамларни раҳбарларга, уларнинг ишига ва қарорларига қарши қўяди.

Ўзининг «маҳмаддонали» ги, одамларнинг ички кайфиятини билиш қобилияти билан раҳбарларга мухолифатдаги кишиларни ўз томонига оғдира олади. Айниқса, катта ва кичик йиғилишларда у раҳбарнинг обрўйини тўкишга ҳаракат қиласи. Уларнинг танқиди ноконструктив (носоғлом) бўлиб, жамоада раҳбарларга нисбатан салбий фикр ҳосил этишга йўналтирилгандир.

Ижобий лидер: жамоани жипслаштирувчи, ўзаро ҳамкорликни қўллаб-қувватловчи, қийин аҳволга тушганларга ёрдам беришга ҳар доим тайёр, раҳбарларга ҳайриҳоҳ бўлиб, педагогик жамоани бошқаришга ҳар томонлама ёрдам беради.

Ижобий лидерлар ҳар хил тарзда бўлиши мумкин. Улар кўпинча жамоа ичида яққол ажралиб турадилар, шунинг учун ҳам уларни “Жамоа юлдузи” деб аталади. Улар гапга чечан, коммуникатив қобилияти юқори, яъни атрофдагиларнинг диққатини ўз фикри ва гапларига жалб қила олади. У жамоадаги келишмовчиликлар ва низоларни осонлик билан тиҷлантира олади. Одамларнинг, кайфиятини руҳий ҳолатини тез аниқлай олади ва шунга қараб муносабатда бўлади.

Уларнинг танқидий чиқишилари кўпинча конструктив (соғлом танқид) бўлиб, раҳбар бу маслаҳатлар ва танқидий фикрларни эътиборга олиши расмий лидерлар (раҳбарлар) ва норасмий лидерлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Раҳбарлар норасмий лидерларнинг ўта фаоллигидан (улар жисмонан, ижтимоий руҳий, интеллектуал жиҳатдан ўта фаол бўладилар), жамоага ижобий таъсиридан, одамларга таъсир эта олишидан фойдалансалар бўлади. Айниқса бундай лидерларни расмий лидерлик лавозимига тайинлаш иш самарадорлигини яхшилайди.

Раҳбар ижобий лидерлардан, ҳатто салбий лидерлардан ҳам (зарур ҳолларда) уларга ишонч билдириш, ҳар хил топшириклар бериш, уларга масъулятли вазифалар бериш ва бошқа усувлар билан фойдаланиши, ўз томонига “ағдариб” -олишга ҳаракат қилиши керак. Умуман олганда

лидерларда юқорида кўрсатганимиздек, атрофдагиларга ижобий ёки салбий таъсир этувчи, кучли ижтимоий, жисмоний, руҳий, интеллектуал имкониятлар мавжуд. Бу “энергия” дан жамоанинг ижодий, ўзаро ҳамкорликда, самарадор фаолият кўрсатишида ҳамда жамоани бошқаришда фойдаланиш раҳбарнинг бошқариш маҳоратига боғлиқдир. Баъзан раҳбар учун (айниқса ёш ва яқинда лавозимга тайинланган раҳбарга) норасмий лидерларни аниқлаш қийинчилик туғдиради, айниқса педагогик жамоа яқинда ташкил топган бўлса.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Раҳбарнинг иш услуби нима?
2. Автократик раҳбар билан демократик раҳбарнинг қандай фарқлари мавжуд?
3. Либерал раҳбарга изоҳ беринг?
4. Гурухнинг самарасига қайси факторлар таъсир қиласади?
5. Бошқариш ва етакчилик орасидаги фарқ нима?
6. Салбий лидерлар билан ижобий лидерлар фарқини айтинг?

4-МАВЗУ: КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

- 4.1.Маркетинг тушунчаси ва унинг тамойиллари
- 4.2. Таълим хизматлари маркетинги тушунчаси, мақсади ва вазифалари.
- 4.3. Таълимда маркетинг тадқиқотлари тушунчаси ва унинг йўналишлари
- 4.4. Таълим муассасасининг маркетинг мухити

Таянч сўзлар: маркетинг, маркетинг тамойиллари, таълим хизматлари, маркетинг тадқиқотлари, маркетинг мухити, макромуҳит, микромуҳит, демографик омиллар, сиёсий омиллар, иқтисодий омиллар, техник омиллар, ижтимоий омиллар.

4.1. Маркетинг тушунчаси ва унинг тамойиллари

«Маркетинг» тушунчасини ифодаловчи таърифлар жуда кўп бўлиб, умумий маънода маркетинг (ингл. marketing — сотув, бозор савдоси) бу бозорда самарали фаолият кўрсатишнинг мужассамлашишидир.

Маркетинг соҳасида бутун дунёга машҳур мутахассис Филипп Котлер қуйидаги таърифни беради: «*Маркетинг – инсон фаолиятининг талаб ва эҳтиёжларни айирбошлиши ёрдамида қаноатлантиришига йўналтирилган туридир*».

Питер Друккернинг фикрча: «*Маркетинг мақсади – таъминот бўйича оворагарчиликларни йўққа чиқаришдан иборат. Унинг мақсади – мижозни шу қадар яхши ва англаш ва тушунишига қаратилганки, бунда товар ёки хизмат мижоз учун мутлақо мос келиб, сотувни ўзи учун ўзи*

амалга оширади».

Бу атама дастлаб 1902 йилда АҚШда пайдо бўлиб, бу атамадан жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари фойдалана бошладилар. Маркетинг “marketing” – “бозор билан боғлиқ фаолият” маъносини англатади. Лекин бу тушунчанинг маъноси жуда кенгдир.

Америка Маркетинг Ассоциациясининг 1985 йилда маркетингга берган таърифи эса уйидагича: «Маркетингнинг моҳияти инсонлар ва ташкилотлар талабини қондириш мақсадида товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни режалаштириш ва уни амалга ошириш, нарх белгилаш, товарлар ҳаракати ва сотилишини уюштиришдир».

Маркетинг – айирбошлиш йўли билан эҳтиёж ва талабларни қондиришга йўналтирилган инсон фаолиятининг тури, бозордаги барча қатнашчиларнинг ўзаро манфаатларига асосланган ҳаракатларини, талабни шакллантириш ва қондириш учун бирлаштиришдир.

Маркетинг XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида харидор талабини қондиришга мўлжалланган, корхоналарнинг ишлаб чиқариш-сотиш, савдо фаолиятларини ташкил қилиш ва бошқариш тизими сифатида пайдо бўлган. Ишлаб чиқариш ва умуман хўжалик юритишга маркетинг нуқтаи назаридан ёндашиш харидорга таъсир қилишнинг кенг жабҳаларини ўз ичига олади. Бу бозор учун бўлган рақобат курашининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга олиб келади. Бозор доирасида сабаб-натижа алоқаларини таҳлил қилишнинг маҳсус усулларини қўллаб, харидорлар талаби, эҳтиёжи, диidi ва таъби тўғрисида ахборотлар топиб, корхона ва ташкилотлар, маркетинг концепцияси у ёки бу товарга ва хизматга харид қизиқишини шакллантириш учун иқтисодий, ташкилий, техник ва ижтимоий йўналишларни ташкил қиласди. Улар талабни мумкин бўлган ривожланиш истиқболини аниқлайдилар, уни мақсадли йўналишини шакллантириш учун қарорлар қабул қиласдилаr ва кўрилган тадбирлар самарадорлигини албатта назорат қиласдилаr.

Харид масалага маркетингли ёндашишдаги ҳар томонлама таҳлилнинг ўзига хослиги, бозордаги юз берадиган жараёнларни ҳисобга олишгина эмас, балки ишлаб чиқариш корхоналари, товарларни етказиб берувчи воситачилар, улгуржи ва чакана савдо корхоналари ва улар билан боғлик бошқа барча ташкилотларнинг бозор бўғинлари тизимидаги оператив ва узоқ вақтга мўлжалланган аниқ мақсадларини ўзгаришини таҳлил қилишдир. Маркетинг хўжаликнинг маълум бир тармоғига, масалан ишлаб чиқаришга ёки савдога таъллуқли деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. У бозорга хизмат кўрсатувчи барча хўжалик субъектларини ўз ичига олади ва улардан биргалиқда ва яхлит фойдаланилганда, биргаликдаги фаолиятнинг сўнгти натижаси учун умумий стратегик йўналиши мавжуд бўлган ҳолдагина унинг восита ва усувлари самарали натижа беради.

Маркетинг соҳасидаги адабиётларда асосан маркетингнинг тўртта мақсади келтирилади. Булар қўйидагилар ҳисобланади:

1. Мумкин бўлган максимал юқори истеъмолга эришиш.
2. Истеъмолчиларнинг талабининг максимал қондирилишига эришиш.
3. Истеъмолчиларга кенг ассортиментдаги товарларни танлашига имконият яратиш.
4. Аҳоли турмуш даражаси сифатини ошириш. Мумкин бўлган максимал юқори истеъмолга эришиш.

Демак, маркетингнинг мақсади фақат мумкин бўлган максимал истеъмолга эришишдангина иборат эмас экан. Истеъмолчиларнинг талабининг максимал қондирилишига эришиш. Бу нуқтаи назарга мувофиқ маркетинг тизимининг асосий мақсади мумкин бўлган максимал юқори истеъмолга эришиш эмас, балки истеъмолчиларнинг талабини максимал қондиришдан иборатдир. Бу дегани товар массаси истеъмоли кўп бўлсада, у бирон-бир аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Уларнинг аҳамиятлилиги, товар массасининг кўплиги билан эмас, балки бу товар массаларининг қанчалик даражада истеъмолчиларнинг талабини қондира олиши билан

ўлчанади. Афсуски, истеъмолчиларнинг талабининг қондирилиш даражасини ўрганиш то ҳозирги кунгача муаммолигича қолмоқда. Истеъмолчиларга кенг ассортиментдаги товарларни танлашга имконият яратиш. Баъзи бир бозор мутахассислари маркетинг тизимининг асосий мақсади товарлар хилма-хиллигини максимал таъминлаш ва истеъмолчиларнинг кенг ассортиментдаги товарларни танлашига имконият яратишдан иборатдир деб ҳисоблайдилар.

Маркетингнинг асосий мақсади, унинг вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланишининг объектив сабаблари, зарурати билан белгиланади. Юқорида қайд қилинганидек, маркетинг энг аввало товарлар тўпланиб, сотилмай қолган ва иқтисодиёт инқирози кучайган шароитда, уни шу инқироздан чиқариш қуроли сифатида ихтиро қилинган, яратилган экан. Унинг мақсади ниҳоятда кенг ва мураккаб масалаларни ҳал қилишга қаратилгандир. У ишлаб чиқаришни харидор эҳтиёжига мослаштириб, талаб ва таклифни мувозанатига эришган ҳолда, уни ташкил этган корхона, ташкилотларга юқори фойда келтиришдир. Бунга эришиш учун маркетинг кўйидаги муҳим вазифаларни ҳал этмоғи лозим:

- харидорлар (истемолчилар) эҳтиёжини ўрганиш ва аниқлаш;
- товарларга бўлган ички ва ташқи талабларни ўрганиш;
- корхонанинг фаолиятини харидорлар эҳтиёжига мослаштириш;
- аввало талаб ва таклиф тўғрисида олинган маълумотлар асосида бозорни ўрганиш;
- товарлар рекламасини ташкил этиш, харидорларни товарларни сотиб олишга қизиқишини ортириш;
- товар яратувчи ёки уни сотувчи корхона тадқиқотларини амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш;
- товарни бозорга чиқаришдаги барча хизматлар тўғрисида маълумотлар олиш;

тўлдирувчи товарлар ва ўрнини босувчи товарлар тўғрисида

ахборотлар йиғиши;

- товарларга бўлган талабни истиқболлаш, уларни амалга оширишни назорат қилишдан иборатдир.

4.2. Таълим хизматлари маркетинги тушунчаси, мақсади ва вазифалари

Таълим хизматлари деганда инсон фаолиятининг муайян билимлар йиғиндисини олиш натижасида қўлга киритилган фойдали самарани, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондирувчи, бозор ва нобозор муносабатларни мужассамловчи аралаш неъматни тасаввур этамиз. Таълим хизматларини тадқиқ қилишда классик ёндашувни қўллаш унинг қуидаги хусусиятларини аниқлаш имконини беради:

- хис этмаслик;
- манбадан ажралмаслик;
- номунтазамлик (гетерогенлик);
- сақланиб қолмаслик;
- мулк хуқуқини йўқлиги.

БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти “таълим” атамасига ўзида таълимга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадларида амалга ошириладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ва мунтазам фаолиятнинг барча турлари маъносини ифода деган таъриф беради.

Ер юзида маркетингнинг 1000 дан ортиқ таърифи мавжуд. Мазкур таърифларнинг қуидаги таҳриридан фойдаланиш мақбул: «Таълим хизматлари маркетинги бошқарув жараёни бўлиб, у истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини башорат қилиш ва қаноатлантиришни ўз ичига олади ҳамда таълим муассасасининг барқарор ривожланишини таъминлайдиган даражада фойда олинишига эришиладиган тарзда ривожлантиришни кўзда тутади». Ушбу таъриф маркетинг ўз ичига қандай жараёнларни олишини

ва қандай мақсадларга интилишини тушуниб олиш имконини беради.

Таълим хизматлари барча хизматлар учун хос умумий жихатлар билан биргалиқда бошқа хизматлардан фарқловчи қуидаги ўзига хос жиҳатларига эга: таълим хизматларини индивидуаллаштириш; таълим хизматларининг аралаш неъмат сифати мавжуд бўлиши; таълим хизматларининг умумийлиги; уларни ишлаб чиқаришга нисбатан узоқ давом этиши; таълим хизмати кўрсатишга ҳақ тўлашни нормалашни қийинлиги; истеъмолчи ёшининг таълим хизматлари миқдор – сифат даражасига мувофиқлиги; ижтимоий истеъмол.

Бугунги кунда таълимда маркетинг тушунчасига қуидаги замонавий ёндашувлар мавжуд:

- Таълим хизматларига йўналтирилган маркетинг, бунда таълим муассасасининг фаолияти янги таълим хизматлари кўрсатишга ёки мавжуд хизматларни такомиллаштиришга қаратилади.
- Истеъмолчиларга йўналтирилган маркетинг, бунда таълим муассасасининг фаолияти истеъмолчиларнинг, яъни иш берувчи ва меҳнат бозори эҳтиёжларини қондиришга қаратилади.
- Таълим маҳсулотларига йўналтирилган маркетинг, бунда таълим муассасаси педагог кадрларининг меҳнат фаолияти натижасида юзага келадиган, алоҳида ёки таълим жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар (дарслик, ўкув қўлланма, дидактик материаллар ва шу кабилар) такомиллаштиришга қаратилади.

Таълим хизматлари маркетинги бу таълим олувчиларнинг муайян сифат ва хусусиятларини шакллантиришга қаратилган таълим мақсадларига эришишда таълим жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуасига кўрсатиладиган хизматлардир.

Таълимда маркетингнинг мақсади:

- Истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондирилишига эришиш;
- Истеъмолчилар талабининг максимал қондирилишига эришиш;

- Истеъмолчиларга таълим хизматларидан фойдаланишни танлашига имконият яратиш;
- Жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш.

Таълим хизматлари маркетингининг асосий вазифалари кўйидагилар ҳисобланади:

- Таълим хизматлари бозорини тадқиқ этиш ва баҳолаш, унинг ўзгаришларини ошириш;
- Таълимнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, кўрсатиладиган таълим хизматларининг ҳажми ва турларини аниқлаш;
- Рақобатчи таълим муассасалари тўғрисида маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш;
- Истеъмолчиларнинг ўқишига бўлган талабини ва уларни қаноатлантириш имкониятларини баҳолаш;
- Ижтимоий хамкорликни ривожлантириш йўлларини, сифатли таълим хизматлари курсатиш усулларини аниқлаш;
- Таълим хизматларидан фойдаланиш жараёнида сервис хизматларни амалга ошириш;
- Нархни шакллантириш сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқиш;
- Таълим хизматлари рекламасини ташкил этиш.

Таълим хизматлари соҳасидаги маркетингининг асосий тамойиллари:

- Таълим муассасаси ресурсларини бозорнинг танланган сегментидаги истеъмолчилар талабини ҳисобга олган ҳолда рақобатбардош таълим хизматларини кўрсатишга йўналтириш;
- Таълим хизматлари сифатини мутахассис кадрларга бўлган талабни қондириш чораси сифатида баҳолаш.

Таълим хизматлари бозори амал қилиш механизми талаб, таклиф, нарх ва рақобатнинг ўзаро муносабатда бўлишини тақозо этади, бунинг натижасида кишилар таълим ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилади, таълим хизматларини истеъмол қилиб, ушбу хизматларга бўлган эҳтиёжни қондирадилар.

Таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизмини қуидагича тасаввур этиш мумкин: таълим хизматлари истеъмолчилари, одатда меҳнат бозорида талаб бўлмаган касбдаги кадрларига ўқиш учун ҳақ тўлашга мойил эмаслар. Бу ҳол таълим муассасаларини бундай ихтисосликлар бўйича кадр тайёрлашни қисқартиришга мажбур этади. Аксинча, агар меҳнат бозорида мақбул ҳолатни эгаллаш имконини берадиган таълим хизматлари талаб катта бўлса, таълим муассасалари ушбу касблар бўйича кадрлар тайёрлашни амалга оширишади.

Таълим хизматлари бозоридаги талаб деганда, биз харидорларнинг муайян миқдор ва сифатидаги таълим хизматлари тўлов қобилиятига эга эҳтиёжни тушунилади. Ушбу бозордаги талаб уни бошқа бозорлардаги талабдан фарқловчи ўзига хос хусусиятларга эга.

Таълим хизматлари талаб нарх билан боғлиқ бўлмаган ва нарх омиллари таъсирида шаклланади.

Нарх билан боғлиқ бўлмаган омилларга қуидагиларни киритишимиз мумкин:

- истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондириш учун таълим хизматларининг бирон – бир турини афзал кўриш, таълимга талаб мамлакатдаги ижтимоий – иқтисодий вазият, ижтимоий, тарихий ва психологик омиллар, оила анъаналари таъсирида шаклланади:

- таълим хизматлари истеъмолчисининг даромади. Истеъмолчи даромадининг камайиши таълим хизматларини истеъмол қилишни чеклашга олиб келади. Истеъмолчи томонидан нуфузли маълумот олишни устувор мақсад қилиб қўйилса, у таълим хизматларидан фойдаланиш эҳтиёжини қондириш учун бошқа товарлар ва хизматларга қилинадиган харажатлар ҳажмини қисқартиришга мажбур бўлади; истеъмолчилар кутган нарсалар.

Талабга таъсир этувчи, нархга боғлиқ бўлмаган қатор омиллар фақат таълим хизматлари бозорига хос бўлади. Улар жумласига

куйидагиларни киритиш мумкин:

- муайян минтақада жойлашган олий ўқув юртлари миқдори.

Ушбу минтақада олий ўқув юртлари сони қанча қўп бўлса ва бозорда турдош ихтисосликлар қанчалик қўп таклиф этилса, алоҳида олинган ташкилотда талаб ҳажми шунча кам бўлади.

- таълим муассасасининг нуфузи ва мақоми. Таълим хизматлари бозорида ҳар бир истеъмолчи олий ўқув юртининг мақоми ва бошқа таълим муассасалари ўртасидаги мавқеи профессор - ўқитувчилар таркибида миқдори, сифати томонидан устун даражада белгиланадиган малакали хизматдан баҳраманд бўлишга интилади. Шундай қилиб, таълим муассасасини нуфузи қанча юқори бўлса, таълим хизматлари истеъмолчиларининг унга бўлган талаби мутаносиб равишда юқори бўлади.

Таълим хизматлари бозоридаги таклиф деганда, олий ўқув юртлари томонидан маълум давр мобайнида муайян нархда кўрсатиши мумкин бўлган маълум сифатдаги таълим хизматлари миқдорини тушунамиз. Таълим хизматлари таклифи таълим муассасаларининг ўқув ўринларини тўлдириш эҳтиёжини кўрсатади.

Таълим хизматлари таклифи дастлаб, таклиф қилинаётган хизматлар нархи билан миқдори ўртасидаги бевосита алоқани акс эттирувчи нарх омиллари таъсирида шаклланади ва таълим хизматларини нархи қанча юқори бўлса, улар таклифининг ҳажми шунча катта бўлади.

Таълим хизматлари таклифини белгиловчи нарх ва нархга боғлиқ бўлмаган омилларни ажратиш мумкин.

Таълим хизматлари бозоридаги таклифнинг хусусияти шундан иборатки, ушбу хизмат кимгадир тўғридан - тўғри йўналтирилмаган. Ўқув юртларининг конкрет истеъмолчиларга ўз таълим хизматларини таклиф қилиш бюджетдан зарур молиявий маблағ олиш учун мутасадди давлат бошқарув органларига йўналтирилган таклиф билан ўзаро боғлиқ бўлиб унга қўшилиб кетади.

Таклиф сифатида аниқ таълим хизмати эмас, балки унинг ҳар бир хўжалик субъекти томонидан қийматига қараб турлича қабул қилинадиган образи таълим хизматларининг характерли хусусияти сифатида мавжуд бўлади. Талаб ва таклиф маълум ихтисослик бўйича таълим хизматлари ортиқчалиги ёки танқислигини вужудга келтириб, миқдор ва сифат жиҳатдан аксарият ҳолларда бир – бирига мос тушмайди. Ўқиш тўғрисидаги тўлов- шартномаси хужжатли расмийлаштирилганидан кейингина таълим хизматлари сотувчилари ва харидорларнинг манфаатлари бир – бирига мос келишига эришилади.

Таълим хизматларининг тўлов - шартномаси битими негизида уларнинг қиймати ва истеъмол қийматининг пулдаги ифодаси сифатида нарх ётади. Бирон – бир таълим хизматлари нархнинг мувозанати талаб ва таклифнинг бозор нисбати билан белгиланади. Сотувчиларнинг таълим хизматлари таклифи билан харидорлар талаби ўртасидаги фарқ нархдаги ўзгаришни келтириб чиқаради. Бу ўзгариш пировард натижада, бир – бирига қарама – қарши ушбу икки таклифни ўзаро мувозанатга келтириш йўли билан мантикий яқунига етказади.

Таълим хизматларининг энг паст нархи уни ишлаб чиқаришга қилинган харажатдан келиб чиқиб белгиланади ва ушбу хизматнинг ишлаб чиқарувчиси – таълим муассасаси томонидан белгиланади.

Энг юқори нарх эса истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Умуман, таълим бозорида нарх шаклланишига қуйидаги омиллар жиддий таъсир кўрсатади: таълим муассасасининг нуфузи, таклиф этилаётган таълим хизматлари сифати, рақобатчилар томонидан белгиланадиган таълим хизматлари нархи, ушбу олий ўқув юритида тайёрланган кадрларга меҳнат бозорида бўлган талаб ва х.к.

Таълим хизматлари бозори моҳиятининг назарий таҳлили унинг бирлаштириш, тақсимлаш, ахборот бериш, рафбатлантириш, табақалаштириш ва ижтимоий функцияларини ажратиш имконини беради.

Таълим хизматлари бозорини бозор иқтисодиётининг ўзига хос сегменти сифатидаги моҳияти унинг ижобий ва салбий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш имконини яратади.

Таълим хизматлари маркетинги моҳиятини ўрганишни уни таркиб топтирувчи унсурлардан: таълим хизматлари субъектлари ва обьектларидан бошлаган маъқул. Таълим хизматлари маркетинги субъектлари сирасига, қоидага кўра: таълим муассасалари, хизмат истеъмолчилари, бозорда таълим хизматларини илгари суриш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва тузилмалар киритилади. Ҳар турли истеъмолчилар ҳар хил талабга эга ва турлича товарлар ва хизматларни харид қилишни исташади. Шу муносабат билан ҳар қандай таълим муассасаси ўзининг маркетинг фаолиятини аввало истеъмолчиларнинг ана шундай мақсадли гурухларига мўлжаллаб олиб боради.

Бозорни бўғинлаштириш (сегментациялаш) маркетинг фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади ва қоидага кўра, чекланган миқдордаги ўз маблағлари ва ресурсларини ўқитишнинг муайян йўналишлари бўйича марказлаштириш, ўз эътиборини эҳтиёжларини энг кўп миқдорда қаноатлантириши аниқ бўлган мижозларнинг муайян гуруҳига қаратиш имконини беради.

«Бозор сегментацияси» атамасини Уэнделл Смит 1950-йилларда АҚШ да кенг тарқалган ишлаб чиқариш стратегияси билан боғлиқ ҳолда биринчи бор қўллади. Бу стратегия потенциал истеъмолчилар гурухлари орасида аниқланган талабларга кўра ишлаб чиқарувчилар ўз товарларининг сифат тавсифларини модификациялашдан иборат. Шунинг учун истеъмолчилар ва уларнинг истаклари, афзал қўрадиган нарсаларини яхшироқ тушуниш мақсадида уларни аниқ гурухларга бўлиш керак. Бу гурухларнинг вакиллари умумий ижтимоий белгиларни: жинс, ёш, даромад, маълумот, эътиқод ва ҳоказоларни ўзида ташувчилар ҳисобланади ва бозор қўзғатувчиларига (товар, баҳо, дизайн, ўрам, реклама ва бошқалар) бир хил таъсиротда бўладилар. Ижтимоий умумий

белгиларни ўзида ташувчи истеъмолчилар бозорнинг муайян сегментини ташкил қиласди. Бунда бозорни турли хил белгилар бўйича алоҳида бўғин (сегментлар)га бўлиш жараёни сегментация деган номни олди. Бундай белгилар сифатида истеъмолчи ва товарларнинг тавсифлари, истеъмолга ундовчи сабаблар, тақсимлаш каналлари ва бошқалар ишлатилади. Амалиётда белгаларнинг ҳар хил биримлари қўлланилади. Бозор сегментлари истеъмолчилар талабининг хусусиятлари ва корхонанинг маркетинг ҳаракатларига таъсир жавобини бериш уларнинг реакциялари бўйича ўзаро фарқланади.

Умуман олганда, бозор сегментацияси (БС) талабни ойдинлаштириш ва дифференциаллаш, унинг таркибини кўриш, пировард натижада эса маркетинг стратегиясининг ва тактикасининг энг оптималь вариантини танлаш имкониятини беради.

Одатда, сегментация жараёни икки босқичда амалга оширилади. **Макро-сегментация** деб номланадиган биринчи босқичда «товар (ёки товарлар гурухлари) бозори» аниқланади. **Микро-сегментация** деб номланадиган иккинчи босқичда эса илгари аниқланган бозор ичида истеъмолчилар сегментлари аниқланади.

Таълимда маркетинг тадқиқотлари тушиунчаси ва унинг йўналишилари.

Таълим хизматлари маркетинги бу – маркетинг соҳасидаги янги, ҳали тўлиқ шаклланмаган йўналиш бўлиб, уни таълим сифатини бошқаришнинг инновацион усули деб баҳолаш мумкин. Яъни, таълимда маркетинг таълим муассасаларининг сифатли таълим хизматлари кўрсатиш бўйича мавқени ошириш, унинг меҳнат бозоридаги фаолиятини бошқариш, истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида кадрлар тайёрлаш каби масалаларни ҳал этади. Бу ўз навбатида қуидаги бир-бирига ўзаро боғланган ва бири иккинчисини тўлдириб борадиган таълим хизматлари истеъмолчиларининг эҳтиёжини қондирилишини таъминлайди:

- ШАХСнинг сифатли таълим хизматларидан қониқиши;
- ТАЪЛИМ МУАССАСАларининг таълим хизматлари кўрсатиш бўйича имкониятларининг кенгайиб бориши;
- ИШ БЕРУВЧИларнинг сифатли кадрларга бўлган талабининг қондирилиши;
- ЖАМИЯТнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, интеллектуал потенциалнинг ошиши.

Маркетинг фаолиятининг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда, таълимда маркетинг хизматининг асосий субъектлари сифатида қўйидагиларни қайд этишимиз мумкин:

- ишлаб чиқарувчилар (таълим муассасалари ва уларда фаолият кўрсатувчи мутахассислар, педагоглар);
- воситачилар (ҳокимият вакиллари, бандликка қўмаклашувчи марказлар)
 - таълим хизматлари истеъмолчилари;
 - ўқувчилар ва ота-оналар;
 - ташкилот ва корхоналар;
 - олий таълим муассасалари;
 - давлат, жамият.

Таълим муассасаларининг самарали фаолият юритиши ва сифатли таълим хизматлари кўрсатишини таъминлашда таълим тизимида маркетинг тадқиқотларини олиб боришнинг ўрни бекиёс. Бироқ, республикамиз таълим соҳасида маркетингдан фойдаланишнинг илмий асослари ҳали тўлиқ яратилмаган. Шу боис, бугунги кунда меҳнат бозори эҳтиёжи асосида кичик мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда бир қатор муаммолар мавжуд.

4.3. Таълимда маркетинг тадқиқотлари тушунчаси ва унинг йўналишлари

Таълимда маркетинг тадқиқотлари - бу таълим тизимида маркетинг хизматига доир муаммолар бўйича маълумотларни тўплаш, қайд этиш ва таҳлил қилиш жараёнидир. Шу нуқтаи назардан, таълим тизимида маркетинг фаолиятини йўлга қўйишдан аввал, меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати, истеъмолчиларнинг талаби ва рақобатчилар ҳақида маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилиш, яъни маркетинг тадқиқотларини ўтказиш зарур.

Таълимда маркетинг тадқиқотлари олиб бориш таълим муассасалари олдига қўйидаги вазифаларни ҳал этишни талаб этади:

1. Меҳнат бозори эҳтиёжини комплекс тадқиқ этиш.
2. Таълим хизматлари истеъмолчилари (давлат, иш берувчиilar) талабларини ўрганиш ва таҳлил этиш.
3. Сифатли таълим хизматлари кўрсатиш бўйича талабларни қондира оловчи педагоглар салоҳиятини таҳлил этиш.
4. Таълим муассасасининг тегишли таълим хизмати кўрсатиш бўйича моддий-техник базаси ва ўқув-услубий таъминоти бўйича имкониятларини таҳлил этиш.
5. Таълим муассасининг худудий жойлашуви, шарт-шароитлари ва ривожланиш имкониятларини таҳлил этиш.
6. Сифатли таълим хизмати кўрсатилишини таъминлаш (таълим сифатининг доимий мониторингини ўтказиб бориш ва натижаларини таҳлил этиш).
7. Рақобатчи таълим муассасалари ҳақида маълумотлар тўплаш.
8. таҳлил этиш ва рақобатда устунликка эришиш йўлини белгилаш.
9. Пулли таълим хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш ва бюджетдан ташқари маблағ топиш фаолиятини жадаллаштириш.

10. Таълим муассасасининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши.

Юқоридаги вазифаларни ҳал этишда таълим муассасаларига ҳомий ва висий ташкилотларнинг амалий ёрдам кўрсатишлари, бунда таълим муассасаси раҳбарларининг ҳомийлик ва висийлик кенгашларининг мунтазам фаолият кўрсатишини таъминлаши муҳим ўрин тутади

Маркетинг тадқиқотларнинг йўналишлари доим кенгайиб боради. Бироқ қуидаги йўналишлардаги тадқиқотлар энг муҳим бўлиб ҳисобланади:

- Мехнат бозори сифими ва унинг потенциали.
- Аҳоли даромадлари.
- Ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилияtlари, мотивацияси.
- Реклама, унинг самарадорлиги.
- Таълим хизматлари сифати ва самарадорлиги.
- Ахборот оқимлари.
- Конунчилик томонидан тартиблаштириш ва чеклашлар.
- Ўтказиладиган тадқиқотларнинг услубиятлари.
- Ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг асосий тенденциялари.
- Жамоатчилик алоқалари.
- Маркетинг инфраструктураси.

Маркетинг тадқиқотининг мажбурий шартлари қуидагилар:

- тадқиқотлар тизимили ҳарактерда бўлиши керак, шу ҳолдагина самарадорликни кутса бўлади;
- маркетинг тадқиқотларини олиб боришида объективлик ва аниқликка асосланган илмий ёндашишига риоя этилиши керак;
- маркетинг тадқиқотлари қарор қабул қилиши учун ахборот талаб этадиган маркетингнинг ҳар қандай томонига нисбатан қўлланилиши мумкин;

- тадқиқот — маълумотларни тўплаш, материалларни қайд қилиши ва таҳлил қилишини ўз ичига оладиган кўп босқичли жараён;
- маълумотлар таълим муассасасининг ўзидан, иши берувчи ташкилот ёки бошқа ижтимоий ҳамкорлардан келиб тушиши мумкин.

Касб—хунар таълимида маркетинг—бу ўкув муассасалари битиравчиларининг меҳнат бозоридаги рейтингининг етарли даражада юқори бўлишини ва уларнинг мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналарда ишга жойлашишлари даражасининг юқорилигини таъминловчи таълим жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ барча масалаларни ўрганишга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги 109-сон қарори билан тасдиқланган Умумтаълим мактабларининг 9-синф битиравчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМга кўра, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини белгилашда қўйидагилар асосий вазифалар ҳисобланади:

"Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 9-синф битиравчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишга оид қисмини самарали амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касб-хунар таълими олиш хуқуқини таъминлаш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда худудларнинг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича касбий тайёрланган ва талаб этиладиган мутахассисларга бўлган эҳтиёжи мувозанатини таъминлаш;

давлат манфаатларидан келиб чиқиб, касб-хунар маълумотли мутахассисларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги оширилишини таъминлашга йўналтирилган мақсадлар амалга

оширилишини ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар маълумотли кадрларни тайёрлашга давлат харажатларининг мақбул даражасига эришиш.

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш йиллик қўрсаткичлари қуидагиларни амалга ошириш орқали босқичма-босқич шакллантирилади:

касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш қўрсаткичларини шакллантириш учун умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари сонини аниқлаш;

бўлажак ўқув йилига умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг касб-хунар таълими муассасаларида йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича таълим олишга бўлган талабини таҳлил қилиш;

худудлар ва республика бўйича иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича, касб-хунар маълумотли мутахассислар билан таъминланганликни таҳлил қилиш ҳамда уларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш зарурлиги ва иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг, касб-хунар маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда бўлажак ўқув йили учун худудлар даражасида йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш;

республика бўйича янги ўқув йилига йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш қўрсаткичларини аниқлаш ва қўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

Янги ўқув йилига касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш қўрсаткичларини шакллантиришда қуидагилар асосий мезонлар

хисобланади:

умумтаълим мактабларининг 9-синф бити्रувчилари сони;

республика ҳудудлари бўйича иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг касб-хунар маълумотли мутахассисларга камида келгуси 6 ойдан 2 йилгача эҳтиёжи;

касб-хунар таълими муассасаларининг зарур йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш имкониятлари.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари касб-хунар таълими марказининг ҳудудий бошқармалари иштирокида ҳар йили касб-хунар таълими муассасалари бити्रувчиларини сифатли тайёрлаш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқадилар (бундан кейин ҳудудий дастурлар деб юритилади). Ҳудудий дастурлар Қорақалпоғистон Республикаси, республика вилоятлари ва шаҳарлари (туманлари) бўйича 3 йил муддатга ишлаб чиқилади ва уларда қўйидагилар акс эттирилади:

меҳнат бозорида касб-хунар маълумотли малакали кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги талаб ва таклифлар;

тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таълим муассасалари бити्रувчиларига бўлган талаб таркиби;

касб-хунар таълими муассасалари бити्रувчилари учун янги иш ўринлари яратиш параметрлари;

навбатдаги янги ўқув йили учун қабул қўрсаткичларига тузатиш киритишга оид таклифлар;

касб-хунар таълими муассасаларини (зарур ҳолларда) қайта ихтисослаштиришга оид таклифлар.

Бити्रувчиларнинг шахсий хужжатлар йиғмажилдини шакллантириш учун зарур бўлган хужжатлар рўйхати Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим

вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан биргаликда белгиланади.

Умумтаълим мактабларининг директорлари ёки директор ўринбосарлари ҳар йили 30 июнгача битиравчиларнинг хужжатлар ийғмажилдини битиравчилар ва ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) иштирокида тегишли академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг маслаҳат марказларига топширади.

Умумтаълим мактаби битиравчисининг хужжатлари қабул қилинганлиги тўғрисида умумтаълим мактаби ва касб-хунар таълими муассасаси директорлари томонидан тўрт нусхада топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади.

Далолатноманинг нусхалари Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларида ва касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларида, умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицейлар ёки касб-хунар коллежлари директорларида сақланади.

Касб-хунар коллежлари директорлари ҳар йили 5 июлга қадар умумтаълим мактаблари директорларидан қабул қилинган битиравчилар хужжатларининг йиғмажиллари асосида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг тасдиқланган қабул қўрсаткичларига мувофиқ битиравчиларни қабул қилиш бўйича буйруқларни расмийлаштиради.

Маданият, санъат йўналишлари ва бошқа ижодий йўналишлар ҳамда спорт бўйича академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида кадрлар тайёрлаш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси билан келишган ҳолда қабул жараёнида ижодий имтиҳонлар ўтказилиши мумкин.


4.4. Таълим муассасасининг маркетинг мухити

Маркетинг мухити – бу фирмадан ташқарида фаолият кўрсатадиган ва маркетинг хизмати раҳбариятининг тегишли мижозлар билан муваффақиятли ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш имкониятларига таъсир кўрсатувчи фаол субъектлар ва кучлар йиғиндисидир. Мухит доимий ўзгаришда, яъни у ёки бу салбий ё ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлиги сабабли, уни тизимли ўрганиш, алоҳида жараёнларни ва уларнинг ўзаро алоқасини кузатиш зарурияти маркетинг тадқиқотлари жараёнида жуда муҳим тадбир бўлиб ҳисобланади. Ҳатто мухитнинг арзимас ўзгаришига эътибор бермаслик ёки назоратни сусайтириш фирманинг ва бозорнинг бошқа субъектлари ишида жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин..

Одатда, макро ва микро-муҳит фарқланади. *Макро-муҳит* ёки ташқи шароитлар омиллари асосан тизимли, умумий бозор доирасидаги омиллардан иборат. Бу ерга турли хил иқтисодий, ҳукуқий, сиёсий, демографик, географик, миллий, илмий-техникавий, технологик, ижтимоий-маданий ва бошқа ҳарактердаги таъсирларнинг кенг спектри киради. *Микро-муҳит* ёки ички шароитлар омиллари фирманинг фаолияти ва унинг имкониятларига бевосита тегишли. Микро-муҳитнинг асосий қисми фирма бошқарувининг назорати остида бўлади (фаолият соҳасини аниқлаш, кадрларни танлаш, ходимлар малакасининг умумий даражаси ва маркетинг маданияти, мақсадли бозорлар (сегментлар)ни, товарлар ҳаракатининг йўлларини танлаш, рақобат курашида стратегияларни ишлаб чиқиш, маркетинг вазифаларини ечиш).

Шундай қилиб, микро-муҳитни ўрганиш бозорнинг аниқ субъектига нисбатан қўлланилган ҳолда амалга оширилади, ундан фарқли равища макро-муҳит эса маркетинг ва бозор субъектлари, мамлакат ва халқ истеъмоли товарлари соҳалари учун умумий кўринишда намоён бўлади.

Юқоридаги фикрлар асосида таълим муассасининг маркетинг мұхитини таҳлил қиладиган бўлсак, уни қўйидагича тасаввур қилиш мумкин:



Бу ерда мамлакатдаги *сиёсий омиллар* асосан давлатнинг мустақиллиги ва бевосита сиёсий ёндашувлар ва йўналишларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ тенденциялар, бошқа томондан эса бозор муносабатларига ўтиш ва ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш билан тавсифланади. Сиёсий мухитга ижро этувчи давлат ҳокимиятининг омиллари билан бир қатор мухим омиллар ҳам киради. Улар ичida 12 йиллик мажбурий бепул таълим, 9 синф битирувчиларини қамраб олиш, ўрта маҳсус, қасб ҳунар таълимини танлаш ихтиёрийлиги ва ўқиш мажбурийлиги каби қонунларни қўрсатиш мумкин.

Жамият *иқтисодий омиллар* асосан аҳоли даромадларининг даражаси ва аҳолининг харид қобилияти каби кўрсаткичлар билан,

шунингдек, инфляция, солиқ солиш ставкалари, аҳолининг жорий даромадлари, жамғармаларининг даражалари, истеъмол саватининг қиймати билан аниқланади. Бу кўрсаткичларнинг ўзгариши таълим хизматларига бўлган талабда нафақат миқдорий, балки таркибий силжишларга ҳам олиб келади.

Табиий омиллар қўйидаги ҳолатларга боғлиқ:

- таълим муассасасининг худудий жойлашуви (шаҳар маркази ёки чекка қишлоқда);
- марказга интилиш натижасида қишлоқ таълим муассасаларида кадрлар етишмаслиги;
- истеъмолчиларнинг эҳтиёжи асосида таълим хизматлари кўрсатиши имконияти йўқлиги кабилар.

Йўналишларнинг ҳар бир муайян кўрсаткичлари орқали атроф-муҳитнинг у ёки бу томонини таснифлаш мумкин. Шу билан бирга булар маркетинг кучларининг таъсиротига ҳам эга.

Бозор конъюнктураси кўп томондан **демографик тавсифлар** ва аҳоли шаклланишининг асосий тенденциялари билан белгиланади. Бунда шахсий истеъмол товарларига бўлган талабнинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарлар бозоридаги ўзгаришлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқа кузатилади.

Сифатли таълим хизматлари кўрсатишнинг асосий омиллари:

«Маркетинг-микс» назарияси «аралашма», «аралаштирилган» деб таржима қилинади ва стратегик мақсадларни ечишга мўлжалланган комплекс маркетингни назарда тутади.

Маркетинг-микс — бу бозорнинг мураккаблиги ва ҳаракатчанлигига мос келадиган кўп ўлчамли маркетинг стратегиясини ҳар хил бирикмалар ва боғланишларда ишлаб чиқишига имкон берадиган турли хил маркетинг қуроллари тўпламидир.

Муваффакиятга эришиш учун зарур бўладиган амалий куролларнинг номлари тасдифга кўра инглиз тилининг Р ҳарфидан бошланади. Маркетинг фаолиятининг ушбу йиғиндисини белгилаш учун «*4P*» формуласи ишлатилади: *Product* (маҳсулот) — *Price* (нарх) — *Promotion* (сиљитиш) — *Place* (тақсимлаш). Баъзи ҳолларда унга 5 — «Р»ни ҳам киритадилар *People* (истеъмолчилар). Бунда олдинги таркибий блокларга тегишли стратегияни амалга оширишнинг сифат даражасини белгилайдиган персонал муаммоларнинг комплекси назарда тутилади. Шундай қилиб, маркетинг-микснинг маркетинг стратегиясини шакллантирувчи 5 та асосий муаммоли функционал блокларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Агар маркетинг микс тушунчасини таълим хизматлари мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, уни сифатли таълим хизматлари кўрсатишнинг асосий омиллари сифатида талқин қилиш мумкин

Ўқувчилар (Маҳсулот). Ўрта маҳсус, касб хунар таълими муассасаси битирувчилари аввало иш берувчиларнинг талабига тўла тўқис жавоб бериши ва муайян кўрсаткичлар бўйича бошқа таълим муассасалари (рақобатчилар) маҳсулотидан албатта устун бўлиши керак. Бунда энг асосий мезон бўлиб уларнинг касбий малакаси (билими, қўникма, малака) ҳисобланади. Бунинг учун уларни қизиқиши, қобилияти ва билими бўйича касбга тўғри йўналтириш ишларини олиб борилган бўлиши керак.

Ишга жойлашиш кўрсаткичи (нарх). Ўқувчиларнинг билим бойликлари тизими ўзгарувчандир. Шунинг учун уларнинг касбий тайёргарлигини ошириш жараёнини амалда бошқариш — юқори профессионал ёндашувни талаб қиласидиган мураккаб жараёндир.

Сиљитиш. Талаб ва таклифнинг самарали мувофиқлигини таъминлаш учун бозор субъектлари ўртасида (айирбошлаш жараёни) асосан фирмадан чиқадиган ахборот оқимлари марка ёки фирма даъво қиласидиган ўринни бозорга етказишга йўналтирилиши керак. Бунинг учун

силжитишининг ҳар хил каналлари ишлатилади: тижорат персонали, реклама, талабни рағбатлантириш ва жамоатчилик билан алоқалар. Фирма томонидан қилинган стратегик танлов самарали тадбиқ этилиши учун самарали силжитиш тизими билан қуллаб-қувватланган бўлиши керак, акс ҳолда тижорат муваффақиятига эришиш эҳтимоли камроқ бўлади.

Тақсимлаш (жойлаштириш каналлари). Тақсимлаш (сотиш) каналларининг амал қилиши ишлаб чиқарувчи корхона эркин алмасиниш талаблари ва истеъмолчилар умидидан келиб чиқадиган ҳамма мажбуриятлар ва функцияларни ўз бўйнига ололмаслиги билан шартланади. Замонавий техника ва ахборот тизимлари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни яқинлаштирса ҳам, бироқ бу боғланишлар турлича мураккаб. Шунинг учун объектив равища воситачиларни жалб қилиш зарурати пайдо бўлади. Воситачилар ёрдамига мурожаат қилиш ўз навбатида корхона учун товар ҳаракати ва хизмат кўрсатиш жараёнининг маълум элементлари устидан назоратни йўқотиш тушунилади. Корхона учун тақсимлаш тармоқларини танлаш (сотиш тармоғи) — бу мақсадли сегмент истеъмолчиларининг шахсий мақсадлари ва талаблари билан боғланган стратегик ечим. Ҳар қандай тақсимлаш тармоғи алмасиниши амалга ошириш учун зарур булган функциялар комплексини бажаради.

Инсонлар. Корхона ишга малакали одамларни қабул қилишга интилиши керак. Малакали ходим самаралироқ, унумлироқ ишлайди, шунинг учун юқорироқ натижага эришади. Энг асосийси инсонлардан қандай фойдаланилаётганлигидир. Турли хил муаммоларни ечиш учун аниқ тавсиялар пайдо бўладиган «ақл жанглари» жуда самаралидир. Ходимлар қандай функцияларни бажаришини ва у ёки бу жараёнларнинг қандай усуллар билан амалга оширилишини билиш ҳам анча муҳимдир. Маркетинг стратегиясида асосий нарса истеъмолчи ва унинг товардан фойдаланиш қобилияти бўлганлиги сабабли унинг ҳарактеристикаси алоҳида аҳамият касб этади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Маркетинг тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. Маркетинг тадқиқотлари нима ва у қандай вазифаларни бажаради?
3. Таълим хизмати маркетинги нима ва у қандай вазифаларни бажаради?
4. Макро ва микро муҳитга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
5. Маркетинг муҳити деганда нимани тушунасиз?
6. Таълим хизмати маркетинги қандай вазифаларни бажаради?

5-МАВЗУ. МЕҲНАТ БОЗОРИ ЭҲТИЁЖИНИ ЎРГАНИШ УСЛУБЛАРИ, МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТАДҚИҚОТЛАР

5.1. Меҳнат бозорининг мазмуни ва таркибий кисмлари.

5.2. Меҳнат бозоридаги буюртмачилар ва буюртмачиси бўлмаган шахслар талабини ўрганиш асосида таълим муассасаси қабули таклифини шакллантириш

Таянч сўзлар: меҳнат бозори, меҳнатга талаб, меҳнатга таклиф, ишчи кучи нархи, ишчи кучи қиймати, рақобат, омиллар, буюртмачилар ва буюртмачиси бўлмаган шахслар эҳтиёжи.

5.1. Меҳнат бозорининг мазмуни ва таркибий кисмлари

Бозор муносабатлари тизимида меҳнат бозори муҳим ўринни эгаллайди. Мана шу бозорда меҳнатга қобилиятли кишилар ва давлат бирор бир жамоа ва хусусий ташкилотларнинг номидан иш кўрувчилар ва иш берувчиларнинг манфаати тўқнаш келади. Меҳнат бозорида вужудга келадиган муносабатлар яққол ифодаланган ижтимоий-иктисодий хусусиятга эга бўлиб, улар мамлакат ахолиси кўпчилигининг муҳим эҳтиёжларига дахлдор бўлади. Меҳнат бозори механизми орқали аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш даражалари белгиланади. Меҳнат бозорида рўй бераётган жараёнларнинг жиддий оқибати ишсизлик бўлиб, у умуман олганда салбий ҳодиса ҳисобланса ҳам, лекин амалда жамият ҳаётининг муқаррар натижасидир.

Умуман, меҳнат бозори деганда, бозор иктисодиётининг умумий кичик тизими тушунилиб, унда, бир томондан – иш берувчилар (ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари), иккинчи томондан – ёлланма ишчилар

ўзаро алоқада бўлади. Бу ўзаро муносабатлар натижасида ишчи кучи таклифи ва унга талабнинг ҳажми, тузилмаси ва нисбати шаклланади.

Демак, меҳнат бозори дейилганда ишчи кучини сотиш, сотиб олиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар мажмуаси тушунилади.

Меҳнат бозорининг таркибий қисмлари қуидагилардир:

1. Меҳнатга талаб
2. Меҳнат таклифи
3. Ишчи кучи нархи
4. Ишчи кучи қиймати
5. Рақобат.

Меҳнатга талаб – меҳнат бозорида бор бўлган ишчи кучига ижтимоий эҳтиёжларнинг умумий ҳажмини акс эттиради.

Меҳнатнинг таклифи – ишчи кучининг сони ва таркиби (жинс, ёш, маълумот, касб, малака ва бошқалар) билан ифодаланадиган умумий миқдори.

Ишчи кучи нархи – унга тўланадиган иш ҳақи. Ишчи кучи қиймати – уни қайта тиклаш учун сарфланадиган ижтимоий чиқимлар, яъни истеъмол қилинадиган моддий ва номоддий бойликлар ҳажми билан аниқланади.

Меҳнат бозорининг ишлашидаги асосий механизм – серунум ишчи кучи жалб қилишга интилевчи ёлловчилар билан ижтимоий меҳнат тақсимоти тизимидағи бўш иш жойларини эгаллашга интилаётган ишчилар, шунингдек, меҳнат битими ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартшароитлари бўйича ишчилар билан ёлловчилар ўртасидаги рақобат ҳисобланади.

Республикамизда бозор ислоҳотлари жараёнларини авж олдириш ҳозирги кунда меҳнат бозори субъектларининг янги меҳнат тузилмаларига бўлган қизиқишлигини ва янги мақсадлари шаклланиши жараёнлари фаол авж олишига олиб келмоқда ҳамда ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф

шаклланишини юзага келтирмоқда. Бир вақтнинг ўзида меҳнат бозори субъектларининг ўзаро алоқаларини жамоа-шартномавий ва норматив-хуқуқий базаларини доимий ривожлантириш, меҳнат бозори инфратузилмаларини келгусида ривожлантириши талаб қиласди. Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай иқтисодий муносабатнинг ташкилий- иқтисодий базасиз амалга ошириш самарасиздир. Шунинг учун ҳам меҳнат бозори инфратузилмасидаги иш фаолиятини ташкил қилиш асосларини илмий асосда ёритиш самарали меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини оширади. Меҳнат бозорини тўлиқ ишлаши учун ривожланган инфратузилмани шакллантириш лозим. Меҳнат бозори фаолият кўрсатишининг сифат кўрсаткичларини энг муҳим мезони унинг инфратузилмасининг ривожланиш даражасидир.

Шундай қилиб, меҳнат бозори товар бозорининг ўзига хос тури бўлиб, унинг фарқловчи хусусияти бу бозорда товарнинг маҳсус тури – ишчи кучи ёки кишининг меҳнат қилиш қобилияти сотилишидир.

Қуйидагилар меҳнат бозорининг асосий субъектлари ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари ва уларнинг манфаатларини ифодаловчи органлар (тадбиркорлар уюшмалари);
- ёлланма ишчилар ва уларнинг манфаатларини акс эттирувчи ташкилотлар (касаба уюшмалари, ходимлар кенгашлари);
- давлат (ўзининг турли тузилмалари тимсолида) иш берувчилар билан ёлланма ишчилар ўртасидаги воситачилар сифатида.

Шундай қилиб, меҳнат бозорининг асосий субъектлари орасида давлатга – ёллаш муносабатларининг иштирокчиси, иш берувчилар билан ёлланма ишчилар ўртасидаги воситачи ва бу соҳада бозор муносабатлари ишининг бош ташкилотчиси сифатида муҳим рол ажратилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозори бир қатор ижобий тарафларга эга:

-замонавий эҳтиёжларга жавоб берадиган ишчи кучини қайта тиклашда мухим рол ўйнайди;

-ишчи кучини тармоқлар ва ҳудудлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашни таъминлайди;

-иш кучининг ҳаракатчанлиги (мобиллиги)ни оширади;

-мехнат унумдорлиги ўсишини рағбатлантиради ва бошқалар.

Мехнат бозорининг ижобий вазифалари унинг ишлари ва ички тузилмаси билан боғлиқ ички механизмлар таъсири воситасида амалга оширилади.

Мехнат бозори динамикасига таъсир кўрсатувчи омиллар қуидагилардир:

-демографик, у аҳолининг сони, ундаги иқтисодий фаол аҳолининг салмоғи, унинг ҳаракатчанлиги ва бошқаларни ўз ичига олади.

-ижтимоий, унинг таркибига турмуш даражаси, жамиятнинг ижтимоий тузилмаси, ижтимоий шериклик муносабатларининг ривожланганлик даражаси ва бошқалар киритилади.

-ташкилий-хукуқий – у давлат муассасаларининг меҳнат ва аҳоли бандлигини ташкил этишдаги ролини, меҳнат соҳаси ва тадбиркорликнинг хукуқий базаси ишлаб чиқилганлиги ҳамда унинг сифатини ва бошқаларни ифодалайди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, турли йўналишларда ихтисослашган меҳнат биржаларининг шаклланиши ва ривожланиши оқилона иш билан бандликни таъминлашнинг мухим асоси ҳисобланади.

Мехнат бозори инфратузилмаси ривожланишида қуидаги тадбирларни амалга ошириш энг долзарб ҳисобланди: иш билан бандлик хизмати қошида ҳудудий ахборот тизимини яратиш (18%), ахборот алмаштиришнинг қулай шарт-шароитларини вужудга келтириш (5,5%), бўш иш жойлари ягона ахборотлар банкини яратиш (18,5%), ривожланган

мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш (23,5%), иш билан бандлик хизмати ривожланиш мезонлари ва кўрсаткичларига ўзгаришилар ва қўшимчалар киритиш (18,5%), ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш (14%) ва бошқалар.

Мехнат бозори инфратузилмасининг самарали шакланиши ва ривожланишида қуидаги чора-тадбирларни амалга оширишни алоҳида аҳамиятга эга:

1. Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» Қонунда кўрсатилган мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг стратегиясини такомиллаштириш бўйича:

Иш билан бандлик хизмати органлари томонидан иш билан бандлик дастурини стратегик режалаштириш жараёнида келажақдаги потенциал ишчи кучи таклифи (корхоналардан озод этилаётганлар, ўкув юртларини битирувчилар, ҳарбий қисмдагилар, мактаб битирувчилари ва бошқалар) ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар асосида хулоса бериш зарур.

Малакали мутахассисларнинг резюма бўйича маълумотлар банкини яратиш ва уларнинг индивидуал сифат таркибининг турли хиллигини таъминлаш.

Корхоналарнинг буюртмасига кўра мақсадли касбга ўқитиш ва қайта ўқитишни ташкил этиш.

Корхона ва фирмаларда ходим иш жойининг иш ҳақи бўйича уни қаноатлантириш даражасини ишлаб чиқиши.

Иш ҳақи ва бошқа қонуний даромадлар чегарасини кун кечириш учун зарур бўлган миқдордан кам бўлмаслигини таъминлаш.

Ёшлиарни меҳнатга ўргатиш бўйича ҳаракатларни фаоллаштириш, уларни ёппасига касбга йўналтириш сиёсатини ишлаб чиқиши.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча имтиёзлар яратиш.

2. Иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятининг йўналишларини такомиллаштириш бўйича:

Иш билан бандлик хизмати органлари ходимлари томонидан мижозларнинг қуидаги групхлари билан ишлашда табақалаштирилган тарзда ва индивидуал жиҳатдан ёндашиш: мактаб ўқувчилари; ҳарбий хизматдан озод этилган фуқаролар; ўқув юртлари битиравчилари ва бошқалар.

Иш билан бандлик хизмати органлари ишини иш билан банд бўлган фуқаролар, ҳақиқатда иш излаётганлар ва ишсизлар билан ишлашга бўлиш.

Иш берувчилар билан ишлашда корхонада иш билан бандлик масалаларига тегишли турли хил жараёнларни истиқболлаштиришдан тортиб, корхонани модернизациялаш, ривожлантиришда маҳсус буюртмаларни бажариш учун ходимларни мақсадли тайёрлашгача бўлган жараёнлар бўйича самарали методикани ишлаб чиқиш.

Иш билан бандлик хизмати органларининг энг фаол йўналишлардаги фаолиятлари бўйича имкониятларини кенгайтириш учун ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган фуқаролар, яъни ногиронлар ва пенсия олдидағи ёшда бўлганларни камайтириш орқали уларга сарфланадиган молиявий маблағларни тежаш.

Иш билан бандлик хизмати органларининг мижозлар билан ишлаш доирасини кенгайтириш, масалан, нафақа тайинлашда кишини пухта текшириш ёки алдов йўллари билан нафақа олаётганларни мунтазам назорат қилиш.

3. Иш билан бандлик хизмати органлари фаолият самарадорликларининг қўрсаткичларига баҳо бериш бўйича:

Барча бўлимлар учун ахборотга эга бўлишни таъминлаш.

Бўлимлар ўртасида ҳамда туман меҳнат бўлимлари ўртасида тажриба алмашиш жараёнини ташкиллаштириш.

Туман меҳнат бўлимлари фаолиятларининг самарадорлигини

баҳолаш ва мунтазам назорат этиш.

4. Мехнат бозори ҳолатига баҳо беришда унинг мезонлари ва кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича:

Иш жойларининг сони ва ҳолатини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш зарур. Иқтисодиёт таромоқларида юзага келаётган таркибий ўзгаришлар натижасида корхоналардаги мавжуд иш жойларининг ҳаммаси ҳам шароити ва иш ҳақи тўлови бўйича мақбул ҳисобланмайди.

Ишчининг меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича унинг иш жойи характеристига мувофиқлигини аниқлаш учун методика ишлаб чиқиш.

Корхоналарда кадрлар кўнимсизлигини камайтириш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш.

5. Давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари фаолиятларининг самарадорлигини ошириш бўйича:

Вилоят давлат иш билан бандлик хизмати органлари ва Самарқанд Кадрлар Агентлиги ўртасида тажриба алмашишни ташкил этиш.

Давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари ўртасида ягона бўш иш ўринлари банкини вужудга келтириш ҳамда ахборотлар алмашишни йўлга қўйиш.

Юқори малакали (эксклюзив) кадрлар бўйича икки томонлама маълумотлар банкини тузиш.

Иш билан бандликка кўмаклашиш соҳасида фаол иш билан бандлик сиёсатини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

Аҳолини иш билан таъминлашда тармоқлардаги касбий малака бўйича ихтисослашиш.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар бўйича қўйидагича хулоса чиқариш мумкин; иш билан бандлик хизмати тизимида янгича стратегия ишлаб чиқиш зарур, шундай экан, янги масалаларни бажаришни таъминлашда янги иш билан бандлик хизматининг ташкилий тузилмасини яратишга эҳтиёж сезилади. Шунинг учун бугунги иқтисодий ўзгаришлар

қатъий равища зарур бўлган энг муҳим ислоҳотларни ўтказиш кераклигини ва иш билан бандлик хизматининг тез суръатлар билан ривожланишини талаб этмоқда.

5.2. Мехнат бозоридаги буюртмачилар ва буюртмачиси бўлмаган шахслар талабини ўрганиш асосида таълим муассасаси қабули таклифини шакллантириш

Хар ҳудудларда меҳнат бозорини ўрганиш ва қабул квотасини шакллантириш қўйидаги методика асосида ташкил этилади.

1. Мехнат бозорини ташкил этишда ҳар бир ҳудуднинг демографик ва географик хусусиятларини ўрганиш лозим.

- Таълим муассасаси ҳудуднинг қаерда жойлашгани;
- Ҳудудда қандай корхона ва заводлар мавжудлиги;
- Ушбу ҳудудда рақобатбардош коллеж мавжудлиги, агар мавжуд бўлса қандай жиҳатлари билан ажралиб туриши лозимлигини аниқлаш мумкин;
- Ҳудуддаги аҳолининг умумий сони;
- Аҳолининг неча фоизи меҳнатга яроқли эканлиги;
- Аҳолининг неча фоизини ишсизлар ташкил этиши;
- Ҳудуддаги қайси касбларга эҳтиёж бор, меҳнат бозорига қандай кадрлар кераклиги аниқланади.

2. Ҳудуднинг мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжни аниқлаб олиш лозим.

- Шу ҳудудда тайёрлайдиган касб бўйича корхоналардаги иш ўринлари сони;
- Ҳудудда қайси касбларга талаб бор ва қайси касбларнинг ишга жойлашишида юқори кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланади;
- Табиий иш ўринларининг бўшаши (сони бўйича).

3. Ҳудудда инвестиция лойиҳалари асосида ташкил этиладиган корхона ва ташкилотлар эҳтиёжи ўрганилади.

- Яқин келажакдаги инвестиция дастурлари бўйича ташкил этиладиган корхоналар ва ташкилотларнинг қурилиши ва уларга қандай мутахассислар зарурлиги;
- Ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар неча ўринга мўлжаллангани;
- Тегишли касб ва мутахассисликлар бўйича ишловчилар сони ҳамда улардаги номутахассислар (уларни ўқитиб берилади),

4. Ҳудуддаги иқтисодий тармоқларни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати.

- Балиқчилик, қўёнчилик, асаларичилик ва бошқалар бўйича талаб этиладиган мутахассисларга эҳтиёж ўрганилади.

5. Тегишли касб ва мутахассисликларга индивидуал эҳтиёжлар ўрганилади.

Ушбу қисмда аҳолининг ишсиз юрган, олий таълимга киролмаган ва меҳнат бозорида фаолият юритмоқчи бўлганлар, яъни ўз ҳохиши билан (буортмачиси бўлмаганлар) ўқимоқчи бўлганларнинг қайси касб ва мутахассисликлар зарурлиги ўрганилади ва шу асосида қабул квотаси шакллантирилади.

6. Таълим жараёнида андрагоглар эҳтиёжини ўрганиш.

Бунда катта ёшдагилар, ўз касбини ўзгартирмоқчи бўлганлар ва илгари мактабни битириб қолиб кетган, қолида дипломи йўқ бўлганлар эҳтиёжи ўрганилади ва уларга ўз ҳохишлари асосида қисқа муддатли ўқув жараёни ташкил этилади.

Юқоридаги қадамлар асосида ҳудуднинг меҳнат бозори эҳтиёжлари ўрганилган холда ҳар бир касб ҳунар коллежининг қабул таклифлари шакллантирилади.

Шунингдек, касб ҳунар колледжлари бозор иқтисодиётида фаолият юритиши, ўз мавқеини ушлаб туришда ва таълим муассасасига бўлган талабни оширишда ҳар бир колледж турли хил чегирмалар ва реклама усулларидан фойдаланишлари лозим (ўқувчи ўзи билан иккита танишини олиб келса унга текин, битта олиб келса нечадир фоиз арzonроқ, маълум муддатда чегирмалар таклиф этиши ва бошқа турли хил усулларда ташкил этилади).

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мехнат бозори нима ва унинг қандай таркибий қисмлари мавжуд?
2. Таълимда меҳнат бозорининг вазифалари нималардан иборат?
3. Меҳнат бозоридаги эҳтиёжларни ўрганишда нималарга эътибор қаратиш лозим?
4. Қабул квотаси қандай шакллантирилади?
5. Меҳнат бозорида буюртмачиси бўлган буюртмачиси бўлмаган шахслар эҳтиёжи қандай аниқланади?
6. Таълим жараёнида андрагоглар эҳтиёжи қандай ўрганилади?
7. Меҳнат бозори динамикасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқланг?

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР.

Сизнинг характерингиз қандай?

Қуйидаги саволларга жавоб беринг ва очколарни ҳисобланг

| | | Ҳа | Йўқ |
|----|--|---------|----------|
| 1 | Сиз ўткир таомларни яхши кўрасизми? | 4 | 1 |
| 2 | Ҳамма мавзуда суҳбатлаша оласизми? | 3 | 2 |
| 3 | Рақсга тушишни яхши кўрасизми? | 1 | 3 |
| 4 | Жамоат қалбига кира оласизми? | 1 | 3 |
| 5 | Хурсандчиликдан сакраб кетишни хохлайсизми? | 4 | 2 |
| 6 | Белингиз оғриб турадими? | 1 | 2 |
| 7 | Юмшоқ ёки қаттиқ тиш тозалагични хуш кўрасизми? | Юмшоқ 1 | Қаттиқ 3 |
| 8 | Сартарошхонага бора туриб, сочни қандай турмаклатишини олдиндан биласизми? | 3 | 1 |
| 9 | Бошқотирмани яхши кўрасизми? | 1 | 4 |
| 10 | Гипнозга мойиллигингиз борми? | 1 | 4 |
| 11 | Сизнинг ҳиссиётингизда кеч ухлашга хошиш борми? | 4 | 1 |

20 балл – нозиктабиат, сезувчан, тинчликни ихтиёр этувчи. Сиз яхши дўйстсиз, бироқ кўп одамлар Сизни тўймаган деб ҳисблайдилар.

21–25 балл – Сиз хушчақчақ, тақдирга ишонувчи, танишларингизни яхшиликларига муҳтожсиз, ўзингизни яхши тутасиз, ишни эплайсиз.

25 балдан – ёшингиздан қатъий назар қалбингиз навқирон, ҳиссиётларингизни, хоҳишларингизни, эҳтиёжларингизни бошқара оласиз, одамларни тўғри баҳолайсиз.

Сиз раҳбар бўла оласизми?

Қуидаги саволларга “ҳа” ёки “йўқ” жавобларини беринг.

1. Ностандарт ечим талаб масалаларни ҳам енгилгина еча оласизми?
2. Одатдаги иш кўникмаларидан осонликча бўшай оласизми?
3. Кўтарилиб кетгандан сўнг аввалги жамоани қўмсайсизми?
4. Ҳамма ҳолларга ярайдиган, универсал иш услубини ўзлаштиришга интиласизми?
5. Сиз ўз қўл остидагиларингизга бехато кучли, ўрта, кучсиз деб баҳо бера оласизми?
6. Ходимлар билан ишлаётганда уларни ёқтириш ва ёқтирмасликка эътибор берасизми?
7. Сиз универсал иш услуби йўқлигига ишонасизми, шунинг учун шаро?
8. Сиз қўл остидагилар билан келишмовчиликлардан ҳам кўра, юқори раҳбарликлар ўртасидаги келишмовчилик тезроқ бартараф этилади деб ўйлайсизми?
9. Сизни ўз қўл остидагиларингизнинг бир типда ишлаши безовта қилмайдими?
10. Сиз раҳбарларни шахс сифатида биринчи бор фараз қилганингизча тасаввур қила оласизми?
11. Сиз ишингиздаги муваффақиятсизликларни меҳнат шароитига боғлайсизми?
12. Сиз иш вақти етишмаслигини тез – тез сезасизми?
13. Кўл остидагиларингиз ҳузурига ташриф буюришингиз иш самарасини кўтарадими?
14. Келажаги порлоқ ёшларга бир қисм топширикни ишонасизми?

Жавобларингизни баллар билан ҳисобланг.

| | | | | |
|----|----|---|-----|---|
| 1 | Ҳа | 1 | Йўқ | 0 |
| 2 | Ҳа | 0 | Йўқ | 1 |
| 3 | Ҳа | 1 | Йўқ | 0 |
| 4 | Ҳа | 0 | Йўқ | 2 |
| 5 | Ҳа | 2 | Йўқ | 0 |
| 6 | Ҳа | 1 | Йўқ | 0 |
| 7 | Ҳа | 1 | Йўқ | 0 |
| 8 | Ҳа | 0 | Йўқ | 2 |
| 9 | Ҳа | 1 | Йўқ | 0 |
| 10 | Ҳа | 1 | Йўқ | 0 |
| 11 | Ҳа | 0 | Йўқ | 2 |
| 12 | Ҳа | 0 | Йўқ | 1 |
| 13 | Ҳа | 0 | Йўқ | 2 |
| 14 | Ҳа | 2 | Йўқ | 0 |

Тўпланган баллар йигиндисини хисобланг:

5 баллгача. Сиз раҳбардан ҳам мутахассисликка лойиқсиз. Яхиси маъмурий ишдан воз кечинг. Сиз бош муҳандис, бош технолог, бош иқтисодчи бўлишингиз мумкин.

6 дан 10 баллгача. Раҳбар сифатида ҳали Сиз шаклланмагансиз. Тажрибали мутахассисларга қулоқ тутиңг, катта раҳбарлар билан маслаҳат қилинг. Ходимлар муаммоси ва бошқаришнинг коллегиал шаклларига алоҳида эътибор беринг.

11 дан 15 баллгача. Сиз маъмурий типдаги раҳбарларга мансубсиз. Сизда яхшигина ташкилотчилик қобилияти бор. Бу сизда кадрларни танлаш, ишни онгли режалаштиришда сезилди. Сиз ўз фикрингиздан кўрқмайсиз. Сиз бироннинг сўзи билан иш юритмайсиз. Факат биргина таклиф қабул қилаётган қарорни коллегиал мухокамадан ўтказинг, ишни демократик бошқаринг.

16 дан 20 баллгача. Сиз ҳақиқий раҳбарсиз. Сизда ҳамма ишга нисбатан новаторлик ёндашув бор. Бироқ Сиз одамларга нисбатан кескин қатъиятлisisiz. Ўзингиз маънавий ва касбий камолатингизни ўстираверинг.

Сиз қандай раҳбарсиз?

Қўйидаги саволларни дикқат билан ўқиб чиқинг ва “ҳа” ёки “йўқ” жавобини беринг, сўнгра тест калити билан танишишингиз мумкин.

1. Масалани типик ҳал қилиш имкони бўлмаган ишларга иштиёқ билан кириша оласизми?

2. Қўйи мансабда ишлаган пайтингиздаги бошқариш усуларидан воз кечиш Сиз учун қийинми?

3. Юқори мансабга ўтгач, олдинги ишингизни афзал деб хисобладингизми?

4. Ҳамма жойда қулай, кўпкиррали, универсал бошқариш усулини ишлаб чиқишига интиласизми?

5. Сиз қўл остингизда ишловчиларга хатосиз, тўлиқ баҳо бера оласизми? Шу жумладан, ўзингиздан юқоридаги раҳбарларга ҳам.

6. Сиз учун қўл остингиздаги ишловчилардан кўра юқори ташкилотлардаги раҳбарлар билан конфликт (низо) бўлмаслигига эришиш осонроқ деб ўйлайсизми?

7. Бошқаришнинг универсал усули йўқ деб ўйлайсизми ёки бошқариш вазиятига боғлиқ деб биласизми?

8. Кадрлар масаласини ҳал этишда шахсий ёқтириш ёки ёқтирмаслик доирасидаги четга чиқиш Сиз учун осонми?

9. Ўзингиз бошқарадиган соҳада вужудга келган бошқариш стереотипини ўзгартиришни хоҳлайсизми?
10. Раҳбар ва инсон сифатлари ҳақидаги фикрларингиз кўпинча тўғри келадими?
11. Фаолиятингиздаги муваффақиятсизликларни холис салбий омилларга (турап жой етишмаслиги, техник таъминот ёмонлиги ва х.) асосан тушунтиришингизга тез – тез дуч келасизми?
12. Муваффақиятли ишлашингизга кўпинча вақт етишмайди деб ўйлайсизми? 13. Ишчилар олдига иш пайтида тез – тез бориб туриш бошқариш жараёнига ижобий таъсир қиласи деб ўйлайсизми?
14. Агар Сиз кучли раҳбар бўлсангиз турли масалаларни ҳал қилиш учун ишчиларга ҳам имконият яратиб берасизми? Сизда бўш раҳбарга қараганда анча кўп имкониятлар мавжуддир.

Навбатдаги вазифангиз жадвал асосида балларингизни ҳисоблаб чиқинг.

| Савол | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
|--------------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|----|----|----|----|----|
| Ҳа | 1 | 0 | 0 | 0 | 2 | 1 | 1 | 1 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 | 2 |
| Йўқ | 0 | 1 | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 | 2 | 0 | 0 | 2 | 1 | 2 | 0 |
| Максимал балл – 20 | | | | | | | | | | | | | | |

0 – 5 балл. Сиз раҳбарликдан кўра мутахассисликка яқинсиз. Агар бошқа иш таклиф қилишса иккиланмасдан ўтиб кетишингиз мумкин. Масалан, бош муҳандис, бош мутахассис ва ҳ.

5 – 10 балл. Сизни кучли раҳбар дея олмаймиз. Аммо жамоангизда ишларни давом эттиришингиз мумкин. Сизни юқори ташкилотлар ва жамоа фикрига қулоқ солишингизга маслаҳат берамиз. Кўпроқ кадрлар масаласига аҳамият беринг.

11 – 15 балл. Сиз раҳбар – ташкилотчи хилига мансубсиз, муҳим муаммоларга қучни қаратишга қодирсиз. Сиз бошқарадиган соҳада иш муваффақиятли давом этади, лекин кундалик ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйманг. Баъзида бошқаришни мувовинларингизга топширишингиз мумкин, лекин уларни доимо назорат қилинг.

15 – 20 балл. Сиз энг қолоқ ишлаб чиқариш соҳасини ҳам илғор қаторига олиб чиқишига қодирсиз. Сиз қайта қуриш, янгилаш йўлларини кидира оласиз. Зарурый бошқариш қобилиятига эгасиз, лекин янгиликларга ҳамиша мослаша олмайсиз. Сизга юқоридагилар билан кескин муносабатда бўлиш халақит бериши мумкин.

Кейс. Таълим муассасасидаги ҳолатдан лавҳа. Таълим муассасасида педагогларга ўқув юкламалар тақсимотини ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари амалга оширади. У томонидан фанлар ва соатлар шундай тақсимланиши керак-ки, жамоа аъзоларида ҳеч қачон норозилик туғулмасин. Борди-ю бирон бир эътиrozлар бўлса, асосли равишда қарорни тушунтириб бериш лозим.

Қуийдаги ҳолатни таҳлил қиласиз: ёш аёл педагог ўзига дарс соатлари кам берилганлигини ва нима учун синф раҳбари бу йил бошқа кишига берилганлигини директор ўринбосаридан сўради.

Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари:-Кечирасиз Саломатхон! Сиз билан маслаҳатлашиши учун уйингизга телефон қилиб сизни топа олмадик, -деб жавоб берди.

Ўқитувчи: - Ҳа, узоқ вилоятга меҳмонга кетган эдик, -деб бош ирғитиб қўйди.

- Шунинг учун ҳам ўзаро келишиб, сизнинг ўғилчангиз ёшлигини эътиборга олиб уйда кўпроқ бўлса яхши бўлади деган фикрга келдик. Айтмоқчи, куёв бола янги ишга ўтибди деб эшишдик, табриклиймиз. Бахли бўлинглар, - деб аёлнинг кўнглини олиб чиқариб юборди.

Аслида, ростдан ҳам бу аёлга ёш боласи борлиги учун тўлиқ ишлаш ва синф раҳбарлиги ортиқча эди, уни ўзи ҳам тушинар эди. Лекин, дарс соатларини ва синф раҳбарликларини олиб қўйғанликлари унинг гурурига тегган эди. Яхши муомала ва асосланган гап уни тинчлантириди. У “раҳмат” айтиб чиқиб кетди.


1- топшириқ. PEST – таҳлили орқали тингловчи таълим муассасасининг ривожланишига таъсир этувчи маркетинг тадқиқотларини ўтказишлари лозим, яъни сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва технологик омилларни таҳлил қиласидилар. Бунда тингловчилар тўртта гурухга бўлиниб, гурух лидерини белгилайдилар. Тингловчиларга вақт берилади, маълум вақт ўтгач барча гурух лидерлари чиқиб, ҳар бир омилларни таҳлил қилиб савол жавоб қиласидилар. Сўнг охирига раҳбар умумлаштириб хулоса қиласиди.

PEST - таҳлили

- **P (political)** – сиёсий омиллар (давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсати, қонунлар, қарорлар, ҳукumatнинг таълим муассасаларининг ривожланишига таъсири).
- **E (economic)** - иқтисодий омиллар (аҳоли, иш берувчиларнинг иқтисодий аҳволи, таълимни молиялаштириш омиллари);
- **S (social)** - ижтимоий омиллар (таълим муассасасининг жамият билан ҳамкорлиги, демографик вазият, жамоат ташкилотлари, ижтимоий ҳамкорлар, маданий тарбиявий мухиткабилар);
- **T (technological)** – технологик (бошқарув) омиллар (давлат, бошқарув органларининг таълим муассасасига таъсири)

2- топшириқ. SWOT–таҳлил (SWOT–инглиз сўзларининг бош ҳарфларидан тузилган бўлиб, Strengths–кучли томонлар, Weaknesses–кучсиз томонлари, Opportunities–имкониятлар, Threats–хавф туғилишини билдиради. Бу усулда коллежнинг ички ҳолати кетма-кетлик билан таҳлил қилиниб, унинг кучли ва кучсиз томонлари, касб ҳунар коллежининг имкониятлари ю, ташқи муҳитнинг ривожланиши натижасида бўлиши мумкин бўлган хавф- хатарлар аниқланади. Бунда тингловчилар тўртта гуруҳга бўлиниб, гуруҳ лидерини белгилайдилар. Тингловчиларга вақт берилади, маълум вақт ўтгач барча гуруҳ лидерлари чиқиб, ҳар бир омилларни таҳлил қилиб савол жавоб қиласидилар. Сўнг охирига раҳбар умумлаштириб холоса қиласидилар.

Таълим муассасасининг маркетинг стратегияси



ТЕСТ

1. Замонавий менежмент учун күйидагилар характерли:

- A) Ишлаб чикариш ва бизнеснинг самарадорлигини оширишга интилиш
- B) Режалаштирилган пировард натижага эришишга фаолиятни каратиш
- C) Бошкаришда хамма ходимларни жалб этиш
- D) Хамаси тугри.

2. Менежмент фанининг мохияти күйидагилардан иборат:

- A) Күйилган максадга эришиш
- B) Бу бошкарув хакидаги фан.
- C) Бу функция, фаолият куриниши
- D) Бу инсон билимлар сохаси.

3. Менежментнинг ташкил этиш функцияси – бу

- A) ташкилот истиқболини ижодий белгилаш
- B) бошкарув погоналари ва функционал соҳаларининг узаро муносабатларидағи узвийлигини таъминлаш.
- C) корхона ва алохида шахснинг максадларга эришиш учун ишловчиларни меҳнатга жалб килиш жараёни
- D) иш натижаларини микдорий ва сифат жихатдан баҳолаш

4. Менежментнинг режалаштириш функцияси – бу

- A) ташкилот истиқболини ижодий белгилаш.
- B) иш натижаларини микдорий ва сифат жихатдан баҳолаш
- C) корхона ва алохида шахснинг максадларга эришиш учун ишловчиларни меҳнатга жалб килиш жараёни
- D) ишловчиларни рагбатлантириш

5. Менежментнинг мотивлаштириш функцияси – бу

- A) ташкилот истиқболини ижодий белгилаш
- B) бошкарув погоналари ва функционал соҳаларининг узаро муносабатларидағи узвийлигини таъминлаш
- C) корхона ва алохида шахснинг максадларга эришиш учун ишловчиларни меҳнатга жалб килиш жараёни.
- D) иш натижаларини микдорий ва сифат жихатдан баҳолаш

6. Менежментнинг назорат килиш функцияси – бу

- A) ташкилот истикболини ижодий белгилаш
- B) бошкарув погоналари ва функционал сохаларининг узаро муносабатларидағи узвийлигини таъминлаш
- C) корхона ва алохида шахснинг максадларга эришиш учун ишловчиларни меҳнатга жалб килиш жараёни
- D) *иши натижаларини мікдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш.*

7. Куйида кайд килиганларнинг кайси бири бошкариш функцияси хисобланмайды:

- A) режалаштириш
- B) ташкил килиш
- C) иш хаки тайинлаш
- D) назорат килиш

8. Бошкарув функцияси деганда нимани тушунасиз?

- A) Менежментнинг маълум вазифаларини ечишга йўналтирилган бир хилдаги ишлар йигиндиси.
- B) ташкилотни илмий-техник ривожлантириш
- C) Бу ишлаб чикариш жараёнларини тартибга солиш;
- D) Ишлаб чикаришни ташкил этиш;

9. Куйидагиларнинг кайси бири низо эмас?

- A) узаро келишмовчилик ёки карама-каршилик, душманлик, адват оркасида тугилган холат, муносабат, ихтилоф, нифок
- B) тортишиш, баҳс
- C) *асабийлик, кескинлик*
- D) асабларнинг кузгалиши билан бөглиқ булган холат

10. STEP таҳлилида нималар таҳлил қилинади?

- A. Кучли ва кучсиз томонлар, имкониятлар ва таҳдидлар
- B. Ижтимоий, технологик, иқтисодий, сиёсий омиллар
- C. Педагог кадрлар салоҳияти, давомат
- D. 11 синф битириувчилари сони, демографик омиллар

11. Мехнат жамоаларидағи әнг нохуш ҳолат

- A. низолар;
- B. ихтилофлар;
- C. келишмовчилик;
- D. ҳамма жавоблар түғри.

12. Таълим муассасанинг кучли ва кучсиз томонлари қайси метод орқали аниқланади?

- A. БКГ матрицаси ёрдамида;
- B. STEP таҳлили ёрдамида;
- C. SWOT таҳлили ёрдамида;
- D. GM матрицаси ёрдамида.

13. Таълимда маркетинг тадқиқотлари бу...

- A. Таълим тизимида маркетинг хизматига доир муаммолар бўйича маълумотларни тўплаш, қайд этиши ва таҳлил қилиш жараёни
- B. Таълим характеристидаги хизмат кўрсатиш ва уни таркибини кенгайтириш
- C. Фирма имкониятларини бозордаги аниқ бир вазиятга мослаштириш
- D. Иш берувчилар билан ёлланма ишчиларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги

14. Мехнат бозорини тартибга солишда давлат дастурлари қандай вазифаларни бажаради?

- A. давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, иш берувчилар, касаба уюшмалари, нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш;
- B. дастурлар керакли йўналишда меҳнат бозорини иқтисодий ривожланишини таъминлайди, турли даражадаги иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ечишнинг самарали воситаси;
- C. тадбиркорлик фаолиятининг ҳамма томонларини бошқариш жараёни бошқариш ва алоқалар ўрнатиш тартибини белгилаш;
- D. мутахассис кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганиш ва улар асосида ижтимоий ҳамкорлик учун шароит яратиш.

15. Меҳнат бозори динамикасига таъсир кўрсатувчи омилларни аникланг?

- A. демографик, ижтимоий ва иқтисодийомиллар;
- B. ижтимоий, иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий;
- C. демографик, ижтимоий ва ташкилий-ҳуқуқий;
- D. сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омиллар.

ГЛОССАРИЙ

Аграп муносабатлар – ер билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Автократик услуг – бунда раҳбар қўл остидагиларининг фаолияти учун жавобгарликни ўз зиммасига тўлиқ олади. Барча мавжуд ахборотларни ўзи орқали ўтказишга ҳаракат қиласи. Жамоа аъзоларини бевосита мулоқотда бўлишини чегаралаб қўяди. Танқидни кўтара олмайди, лекин ўзи танқид қилишни яхши кўради.

Бошқарув-бу танлов, карор кабул килиш ва унинг бажарилишини назорат этиш жараёнидир.

Бошқарув услуги – бу бошқарув жараёнида юзага чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш усуллари, йўллари мажмуидир.

Вазифа - эса ўз фаолият доирасидан ташқарида ҳам бўлиши мумкин.

Даромад – корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва айрим шахсларнинг бирор фаолият эвазига оладиган фойдаларнинг маълум қисмини пул ёки моддий бойлик сифатида давлат ҳисобига келиб тушиши.

Демократик раҳбарлик услуги – бундай раҳбарлик турида раҳбар ўз фаолиятини ўзининг гуруҳидаги жамоа аъзоларига таянган ҳолда олиб боради. Фаолият учун жавобгарлик бўйсинувчилар орасида тақсимланади.

Инновация – янгилик, янги кўринишдаги буюмларни технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва оммалаштиришга қаратилган ижодий фаолияти натижаси.

Касб—хунар таълимида маркетинг — бу ўқув муассасалари битиравчиларининг меҳнат бозоридаги рейтингининг етарли даражада юқори бўлишини ва уларнинг мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналарда ишга жойлашишлари даражасининг юқорилигини таъминловчи таълим жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ барча масалаларни ўрганишга қаратилган тадбирлар тизими

тушунилади.

Либерал раҳбарлик услуби. Бунда раҳбар фаоллик кўрсатмайди, у фақат ахборот манбаи бўлиб хизмат қиласди ёки уни ўзи йигади, ишлаб чиқариш ва хўжалик масалаларини муҳокама қилиш расмий ҳарактерга эга бўлади, ишда ўзини ўзи танқид қилиш йўқ бўлади. Бундай раҳбарлар ташқаридан кўрсатиладиган таъсирга мойиллиги билан кўзга ташланиб туради.

Маркетинг – инглизча сўз бўлиб, «market» бозор. Бозор ҳолатини чуқур ўрганиш, олдиндан баҳоларни билган ҳолда мол ишлаб чиқариш ва сотувни ташкил қилиш орқали фойда олишни таъминлаш.

Маркетинг муҳити – бу фирмадан ташқарида фаолият кўрсатадиган ва маркетинг хизмати раҳбариятининг тегишли мижозлар билан муваффақиятли ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш имкониятларига таъсир кўрсатувчи фаол субъектлар ва кучлар йиғиндисидир.

Менежмент – иқтисодий муносабатлар устувор бўлган шароитларда муваффақиятли бошқаришни ташкил этиш.

Мехнатга талаф – меҳнат бозорида бор бўлган ишчи кучига ижтимоий эҳтиёжларнинг умумий ҳажмини акс эттиради.

Мехнат бозори - бозор иқтисодиётининг умумий кичик тизими тушунилиб, унда, бир томондан – иш берувчилар (ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари), иккинчи томондан – ёлланма ишчилар ўзаро алоқада бўлади.

Мотивлаштириш - бу руҳий омил бўлиб, шахс фаоллигининг манбаи, сабаби, далили ва ҳар хил эҳтимоллариидир. У ходимларни жонли меҳнат фаолиятига рағбатлантирувчи кучли воситадир.

Миссия – ташкилотнинг асосий ва умумий мақсади тушунилади.

Таълимда маркетинг тадқиқотлари - бу таълим тизимида маркетинг хизматига доир муаммолар бўйича маълумотларни тўплаш,

қайд этиш ва таҳлил қилиш жараёнидир.

Таълим менежменти – бу илмий асосда ташкил этилган, ўзига хос поғонавийликка асосланган бошқарувдир.

Таълим хизматлари - инсон фаолиятининг муайян билимлар йиғиндисини олиш натижасида қўлга киритилган фойдали самарани, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондирувчи, бозор ва нобозор муносабатларни мужассамловчи аралаш неъмат.

Таълимда хизматлари маркетинг - бу таълим олувчиларнинг муайян сифат ва хусусиятларини шакллантиришга қаратилган таълим мақсадларига эришишда таълим жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуасига кўрсатиладиган хизматлардир.

Таълим хизматлари бозоридаги талаб - биз харидорларнинг муайян миқдор ва сифатидаги таълим хизматларига тўлов қобилиятига эга эҳтиёжни тушунилади.

Таълим хизматлари бозоридаги таклиф – таълим муассасаси томонидан маълум давр мобайнида муайян нархда кўрсатиши мумкин бўлган маълум сифатдаги таълим хизматлари миқдорини тушунамиз.

Раҳбарнинг иш услуби – бу бошқарув жараёнида у ёки бу масалани ҳал қилишда унинг ўзига хос ёндошишидир.

Стратегия – грек сўзидан келиб чиққан бўлиб, «генерал маҳорати» маъносини билдиради.

Функция — бу лотинча сўз бўлиб, бирор кимса ёки нарсанинг иш, фаолият доираси, вазифаси деган маъноларни билдиради.

Ходимларни танлаш ва режалаштириш – бу инсон омилига бўлган эҳтиёжни олдиндан аниқлашдир.

Эҳтиёж - одамларни ҳаракатга интилтирувчи, қўзғатувчи мотивдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимини янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида”ги Ф-4941 фармойиши.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш ўили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5313-сон фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3504-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 391-сон қарори.
7. Касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 27 августдаги “Касб – хунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог ходимларнинг малакасини

ошириш тизими самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 147-сон буйруғи.

8. Абанкина Т.В., Вавилов А.И. Управление целевым капиталом образователь-ного учреждения // Справочник руководителя образовательного учреждения. 2008. № 4. С. 16-24.
9. Жалолов Ж., Аҳмедов И. Маркетинг тадқиқотлари. Т. - 2005 й.
10. Йўлдошев Н.Қ., Назаров Ф., Воҳидова М., Нишонова Ш., Ҳалқаро менежмент. Ўқув қўлланма. “Иқтисод-молия”, 2015.
11. Йўлдошев Н.Қ., Набоков В.И. Менежмент назарияси. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2013. - 433 б.
12. Йўлдошев Н.Қ. Стратегик менежмент. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2013. -230 б.
13. Йўлдошев Н.Қ., Азларова М.М., Ходжамуратова Г.Ю. Менежмент ва маркетинг асослари. Ўқув қўл. –Т.: ТДИУ, 2012.-258 б.
14. Карлик А.Е., Рогова Е.М., Тихонова М.В., Ткаченко Е.А. Инвестиционный менеджмент: Учебник. СПб.: Вернера Регена, 2012.
15. Хожиахмедов F., Умаров X., Яхъяева И.Н. Сифат менежменти. – Т.: Дарслик. ТТЕСИ, 2012.-200 б.
16. Қосимова Д.С. Менежмент назарияси. Дарслик. –Т.: Тафаккур бўстони, 2011.-335 б.
17. Умарходжаева М.Г. Операцион менежмент. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2017.
18. Фатхатдинов Р.А. Стратегический маркетинг. “Питер” Москва – 2006 г.
19. Jeffrey Wooldridge. Econometric Analysis of Cross Section and Panel Data. MIT Press: Cambridge UK, 2010, pp. 752.
20. Chris Brooks. Introductory Econometrics for Finance. Cambridge University Press UK, 2014, pp. 540.

Электрон манбалар:

1. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
2. www.norma.uz – Хуқуқий-ахборот портали
3. www.edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги сайти
4. www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти

МУНДАРИЖА

| | | |
|---------------|---|-----------|
| | КИРИШ | 3 |
| 1-БОБ. | ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ | |
| 1.1. | Менежмент фанининг мазмун ва моҳияти | 4 |
| 1.2. | Бошқарув вазифалари ва функциялари | 8 |
| 1.3. | Бошқарув мактаблари | 13 |
| 1.4. | Таълим менежментининг вазифалари | 15 |
| 2-БОБ. | СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ | |
| 2.1. | Таълимни бошқаришга тизимли ёндашув | 20 |
| 2.2. | Стратегик бошқаруш ва режалаштириш | 22 |
| 2.3. | Ходимларни танлаш ва режалаштириш | 25 |
| 2.4. | Бошқарув маданияти. | 29 |
| 3-БОБ. | РАҲБАРЛARNING БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ | |
| 3.1. | Раҳбарнинг иш услуби | 33 |
| 3.2. | Менежментда мотивлаштириш тушунчаси ва назарияси | 37 |
| 3.3. | Лидерлик ва унинг ўзига хос хусусиятлари | 41 |
| 4-БОБ. | КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ | |
| 4.1. | Маркетинг тушунчаси ва унинг тамойиллари | 47 |
| 4.2. | Таълим хизматлари маркетинги тушунчаси, мақсади ва вазифалари. | 51 |
| 4.3. | Таълимда маркетинг тадқиқотлари тушунчаси ва унинг йўналишлари | 60 |

| | | |
|---------------|---|-----------|
| 4.4. | Таълим муассасининг маркетинг мухити | 66 |
| 5-БОЙ. | МЕҲНАТ БОЗОРИ ЭҲТИЁЖИНИ ЎРГАНИШ УСЛУБЛАРИ, МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТАДҚИҚОТЛАР | |
| 5.1. | Меҳнат бозорининг мазмуни ва таркибий кисмлари | 72 |
| 5.2. | Меҳнат бозоридаги буюртмачилар ва буюртмачиси бўлмаган шахслар талабини ўрганиш асосида таълим муассасаси қабули таклифини шакллантириш | 79 |
| | Амалий машғулотлар | 82 |
| | Тестлар | 89 |
| | Глоссарий | 93 |
| | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 96 |